

Бахтиёр АШУРОВ

ПОКИЗА ИЗ

(Муҳандис Тойир Эргашевнинг хотира дафтари)

Қарши,
“Насаф” нашриёти
2004

40.6



Мен умрим даволида бир оқи-
 дога амал қилиб йўналишларим;
 Эзгулик, Ўқчилик, поклик ва хо-
 лолликни қонб бўлмас деб бил-
 ган одам ҳечқорон асрашмайди.
 Фарзандларимни ҳам шу руҳда
 тарбиялашга унтиндим. Зеро,
 Ўқчилик ва савобнинг но-
 ёнсиз ўйи покизақар

Эркин

20	04	Alisher
	4778	nomi
		O'zbekiston

W2

30439
291

ОДАМИЙЛИК ҚИССАСИ

Ўзининг ўта меҳнатсеварлиги, кенг мушоҳадалиги билан вилоятимиз сув хўжалиги ходимлари орасида муносиб ўрнига эга бўлганлардан бири-сўзсиз Тойир Эргашевдир. Чорак аср давомида биргаликда ишлаш менга у кишининг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ибратли дейишимга имкон беради.

Тойир Эргашев ярим асрлик иш фаолияти давомида вилоят ҳудудида жуда кўплаб сув иншоотлари қурилишида, янги ерларни ўзлаштиришда фаол иштирок этибгина қолмай, бевосита раҳбар сифатида ҳам шу ишларга бош-қош бўлди. Бу даврда у киши сув хўжалигининг йирик мутахассиси сифатида танилди. Минг-минглаб чўл ўзлаштирувчилар сафида туриб, Қарши бош канали, қудратли насос станциялари қурилишида ва кўриқда қарийб 250 минг гектар ер очиш ишларида қатнашаркан, қатор йирик ташкилотларнинг раҳбари, “Қаршиқурилиш”дек катта бошқарма (кейинчалик бирлашма) нинг бош муҳандиси вазифаларида фаолият кўрсатди.

Чўлда бунёд этилган ҳажми ва қиймати жиҳатидан беқиёс бўлган иншоотлар, экин далалари, боғ-роғлар, аҳоли манзилгоҳлари ва кўплаб ижтимоий объектлар ҳар бир чўлқуварга қўйилган ўзига хос ҳайкалдир, десак муболаға бўлмас. Бу ишларга Тойир Эргашев ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Ҳа, Тойир Эргашев-камтарин инсон, ўз соҳасини чуқур биладиган ўткир зеҳнли мутахассисдир. У кишининг ҳаётда ўз ўрни ва изи бор. Покиза қалб эгаси бўлган бу инсоннинг ҳаётдаги изи ҳам покиза. Ният қилардимки, ҳар бир инсон учун ҳаётда барчага намуна ва ибрат бўларли покиза из қолдириш насиб этсин. Инсон учун бундан ортиқ бахт бормикан ўзи?

Хусрав Дехлавий:

*Тананг ҳам кетажак, бору йўғинг ҳам,
Бахтлидир яхши ном қолдирган одам,*

деганда, мутлақ ҳақ гапни айтган.

Муҳандис Тойир Эргашевнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу китоб одамларнинг эзгулик йўлидаги кураши, инсонийлик фазилатлари, Қарши даштини ўзлаштириш жараёнидаги айрим тарихий воқеалар бадиий-публицистик услубда биринчи марта кенгроқ қилиб ёритилаётгани билан ҳам ажралиб туради. Инсоннинг ҳаётдаги ўрни қисса қаҳрамони нуқтаи назаридан талқин этилади. Шу маънода буни одамийлик ҳақидаги қисса ҳам дейиш мумкин.

Қарши даштининг ўзлаштирилиши тўғрисида ҳозирга қадар йирикроқ бадиий асар деярли ёзилгани йўқ. Бу тарихий жараён “Покиза из” қиссасида тўла қамраб олинган эмас. Муаллиф буни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Шундай бўлса-да, ҳар ҳолда китобхон бу асарни ўқиш давомида инсон ҳаётининг асл мазмуни нимада эканлиги ҳақида, шу билан бирга чўл ва чўлқуварлар ҳаёти тўғрисида бир қадар аниқ тасаввур ҳосил қила олади.

Шубҳасиз, ҳали бу мавзуга қайта-қайта мурожаат қилинади. Лекин бу тарихий-илмий, публицистик ёки соф бадиий асар бўладими, бундан қатъий назар, ҳаёт ҳақиқати акс эттирилган ҳолда ишонарли тарзда ёритиб берилиши лозим.

Собир БОЙМИРОВ.

МУҚАДДИМА

**“Оллоҳ чиройли амал
қилгувчиларни севади”.**

(“Қуръони Карим”,
„Моида” сураси, 93-оят)

Одамзод - эзгулик элчиси эрур,
Бунёд этиш учун яралмиш ул зот.
Қилган яхши-ёмон амалини кўр,
У шунга яраша олур мукофот.

Кимнингки, иймони бут бўлса агар,
Меҳнати туфайли топар қадру шон.
Ул кимки, Ҳолиққа яқин бир қадар,
Асло уни йўлдан уролмас шайтон...

Оллоҳ каломининг мазмунидир бу,
Эзгу иш-ла доврӯғ таратар Инсон.
Тарк этмаса қалбин инсоний туйғу,
Жаннатни заминда яратар Инсон.

Демак, зое кетмас умрнинг фасли,
Ҳаёт қонунини яхши билгай у.
Ахир, сир эмаски, бу билан асли,
Ҳар икки дунёсин обод қилгай у.

Ҳа, Инсон - эзгулик элчиси, бунёд этувчи зот. У ўзининг ҳалол меҳнати билан ҳамма вақт ва ҳар қайда доврӯғ таратиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Бу - унинг азалий ва абадий қисмати. Яшаш ва кураш қонунининг асл мазмуни шундан иборат.

РИВОЯТ

К адимда бир донишманддан сўрабдилар:

-Биз биламизки, Оллоҳ еру осмонларнинг, махлуқоту жонзотларнинг, қисқаси, барча нарсанинг яратувчисидир. Демак, у улуғ ва қудратлидир. Хўш, шундай экан, нега Инсонни ҳам улуғ зот дейдилар? Буни қандай тушунмоқ керак?

Донишманд жавоб қилибди:

-Инсон Оллоҳ томонидан яратилган энг сўнгги мўъжизавий жонзотдир. У ер юзининг сарвари қилиб яратилган. Аслида жаннатнинг соҳиби бўлган Одамзод биргина гуноҳи учун ерга туширилганда, Оллоҳнинг иродаси билан бу жойни обод қилишга, ўзининг азалий қароргоҳи каби заминни ҳам жаннатмакон бир масканга айлантиришга даъват этилган.

-Унинг гуноҳи нимада? - дея тагин сўрабдилар донишманддан.

-Унинг гуноҳи - нафсини тиёлмаслигида, - деб жавоб берибди донишманд. -Одамзод яратилиб, Оллоҳнинг амри билан фаришталар унга сажда қилишгач, у жаннат соҳиби сифатида хурлар ичра хур бўлиб юрган чоғида шайтоннинг макрига учади ва ўзи учун маън этилган бихиштдаги "Заққум" дарахтининг мевасидан татиб кўради-ю, атрофидаги барча хуру гилмонлар ўртасида уятли бўлиб қолганини билади ва Тангрига илтижо айлаб: "Мени бу шармисорликдан ўзинг асрагин", - дейди. Мана шу гуноҳи эвазига Одамзод фоний дунёга - ерга туширилади. Оллоҳ томонидан унга шундай ҳукм қилинади: "Ер сенинг боқий дунёга қайтишингга хизмат қилувчи азиз ва мўътабар жойдир. Инсон ўзини поклаши учун барча имкониятлар шу заминда бор. Бу масканни обод қилиб, жаннатмакон бир гўшага айлантурса, у тагин азалий поклигига қайтарилур ва яна аввалгидек бихишт соҳиби бўлур". Дарҳақиқат, ҳалол меҳнат туфайли ҳамма нарсага эришиш мумкин. Юрт ободлиги-ю, нозу неъматларнинг мўл-кўллиги фақат инсон меҳнати биландир. Бундай одамни шайтон йўлдан оздира олмайди.

У меҳнати орқасида иймони бутун бўлиб, барчанинг эътиборига тушади. Шунинг учун Тангрининг муқаддас Китобида шундай оят бор: "Оллоҳ чиройли амал қилгувчиларни севади".

ҲИКОЯТ

Шарқ мамлакатларидан бирида узоқ вақт қур-гоқчилик бўлиб, одамлар кўп азият чекишибди. Тоғу тошлоқлардаги булоқлар ҳам жиппа қуриб, дарёларнинг суви камайиб кетибди ва экин-тикин ишлари юришмай қолибди. Шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси кун кечериш илинжида дон-дун, ризқ-рўз излаб, мамлакатнинг турли жойларига тарқаб кетишибди. Катта бир қишлоқда кичик бир қавм қаерга боришини билмай боши қотибди ва улар кенгашиб, охири шу ерда қолишга, лекин ризқ-рўз топишнинг бошқа бир йўлини излашга қарор қилишибди. Жамоа оқсоқоли - кўпни кўрган қария бутун бошли қавмни суви анча пастга тушиб кетган дарё бўйига бошлаб бориб шундай дебди:

-Қаршингиздаги мана шу сувни қуриб-қовжираб қолган дашту биёбонга оқишиш лозим. Лекин бу сувни юқорига қандай қилиб олиб чиқиш мумкин? Бу жумбоқни ечишимиз зарур. Шундагина мушкулимизни ҳал эта оламиз. Ҳаммангиз ўйланг, бу ҳақда бош қотиринг.

Барчани чуқур ўй босибди. Бирови бир фикр айтса, бошқаси уни маъқул кўрмабди. Кўпдан кўп гап чиқади, деганлари каби ораларидаги бир дурадгор йигит шундай таклиф билдирибди:

-Бу ерда катта чархпалак ўрнатиб, дарё сувини юқорига олиб чиқса бўлади. Чархпалакни эса аробанинг филдирагига ўхшаш қилиб ясаймиз. Уни мустаҳкам устунларга ўрнатиб, айланаси бўйлаб сув олгич мешларни осиб қўямиз. Сувнинг оқими чархпалакни ҳаракатга келтириб, сув тўла мешларни юқорига кўтариб беради ва ёғоч новга бирин-кетин қуйила бошлайди. Бу сувни ариқ чиқариб, мана шу кенгликка оқишиш мумкин.

Дурадгор йигитнинг фикрини қўллаб-қувватлашибди. Шундай қилиб ишга киришиб кетибдилар. Йигитнинг ўзи бу ишга бош бўлибди, Ҳадемай чархпалак ясалиб, дарёга ўрнатилибди ва бир ариқ сув даштга томон оқа бошлабди. Улар ер очиб, боғ-роғ қилишибди. Ҳамма деҳқончилик билан шуғулланишга киришибди. Ақл-фаросат ва меҳнат билан дашту сахрога жон кириб, қовжираб ётган теварак-атроф сўлим масканга айланибди. Шундан бу жойни Чўлиобод деб атай бошлабдилар.

Байт:

*Кимки, бу заминни айларкан обод,
Унинг номи мангу қилингайдир ёд.*



САРҲИСОБ

*Сергалва ҳаётда яшамоқ оғир,
Ҳар бир қадамингда синоат ва сир.
Бироқ пок ниятли чин инсон учун,
Тилсимлар тугуни ечилгай бир-бир.*

Инсон учун унинг киндик қони томган ер, болалиги ва ёшлик йиллари кечган жой меҳри бўлакча бўлади. Айниқса ёши бир ерга бориб қолган одамда бу нарса яққол сезилиб туради. У ўзининг умр сарҳадларига ҳаёлан назар ташлаб, ҳаёти давомида босиб ўтган йўлига, қилган ишларига ўзича баҳо беришга интилади, меҳнатини сарҳисоб эта бошлайди. Ростдан ҳам у ўз ҳаётида нималарни орзу қиларди-ю, бунинг қай бирига эриша олди? Меҳнати, интилиши зое кетмадими? Одамларга, юртига бирон-бир фойдаси тегдими? Иймон-эътиқодини, виждони ва ор-номусини, инсоний ғурурини покиза, бут-бутунисича сақлаб қола олдими? Ватани, эл-юрти, ёру биродарлари, қолаверса фарзандлари, уни билган ва таниган одамлар олдиди юзи ёруғми?

Таниқли муҳандис, кекса чўлқувар, меҳнат фахрийси Тойир Эргашев ҳар гал ота макони - Қарши туманидаги ўзи туғилиб ўсган Дашт қишлоғига кириб келаркан, шу ҳақда ўйлар, ўзича фикр юритиб, мулоҳаза қила бошлайди. Ҳаётининг етмиш баҳорини қарши олган бу отахон ҳамон серғайрат бир алфозда қотма ва бўйчан қадди-қоматини тик тутиб, қачонлардир ўзи чопқиллаб юрган қишлоғи кўчаларидан энди секин-аста пиёдалаб бораркан, йўлида учраган кадрдон қишлоқдошлари билан очилиб-ёзилиб салом-алик қилар, ҳол-аҳвол сўрашар ва бир пайтлар ўзининг ёшлиги кечган мўъжазгина ҳовлиси томон яқинлашган сайин қалби алланечук ҳапқириб, ғурурга тўлиб, неча бор кўрган бўлишига қарамай, ям-яшил дов-дарахтга бурканган хонадонларга, кейин эса бир чети далалар билан тутшиб кетган чексиз кенгликка, уфқ ортига, қизариб ботаётган куёшга бир дам разм солиб туради ва ҳаёлан ҳаёт йўли,

ўтмиши муҳрланиб қолган хотиротлари дафтарини титкилаб, чуқур ўйга чўмади...

БОЛАЛИКНИНГ ОЛИС ЙЎЛИ

Унинг болалиги уруш йилларига тўғри келди....

Балиқнинг тириклиги - сув билан, дейдилар. Инсон эса меҳнат билан тирик. Меҳнат уни ҳар қандай кулфатдан асрайди. Ёки уни дарду ғамдан халос этувчи бирдан-бир фойдали машғулот - бу меҳнатдир. Одамзод меҳнатсиз яшолмайди. Унинг ўзи буни доим сезиб, ҳис этиб туради. Исбот талаб қилинмайдиган бу ҳақиқатни одамлар айниқса уруш йиллари тағин бир марта бошдан кечиришди. Уруш одамлари сингари Тойир Эргашев ҳам буни яхши билади...

Уруш ҳаммани тутдай тўкиб қўйди. Ҳатто болалар ҳам жиддий тортиб, анча ёшга улғайиб қолишганди. Улар энди ўйинқароқликни йиғиштириб қўйишган, катталар каби мулоҳаза юритишар ва улардек ишлашга интилишарди. Болалар урушнинг бу ердан жуда олисда олиб борилаётганини катталардан эшитиб билишган, лекин фашист галалари билан олишувдаги қонли жангоҳларда жон олиб, жон бериб юрган оталари-ю, акаларининг, амакилари-ю, тоғаларининг ўрнини билинтирмай далага чиқишлари кераклигини, ишга яроқли бўлган саноклигина чоллару аёллар қаторида туриб меҳнат қилишлари зарурлигини, ерни шудгорлашда, экин экишда, ҳосилни йиғиштириб олишда ва бошқа қатор ишларда уларга ёрдамлашиш шартлигини аллақачон тушуниб етишган, шундай қилмаса бўлмаслигини яхши билишарди.

Ўша азобли йилларни Тойир Эргашев ҳамон ички бир қайғу ва алам билан эслайди. Уруш барча учун адоғи йўқ кулфатларни олиб келмоқда эди. Бу нарса уларнинг хонадонини ҳам четлаб ўтмади. Аввал отаси, сўнг акаси уруш қурбони бўлишди.

Отаси Эргаш Ниёзовни қишлоқдошлари гоаят ҳурмат қилишарди. Бу унинг меҳнатсеварлиги-ю, ҳалол-покиза

хислати туфайли эди. Унинг деярли бутун умри далада ўтди. Отанинг пешона тери эвазига уйга олиб келинадиган бир бурда нон ҳақиқий меҳнат маҳсули эканини фарзандлар тушуниб етишгани учунми, уларда ҳам шу фазилат аллақачон шакллана бошлаганини ўзлари ҳис этиб туришарди. Ҳатто колхозда биринчилардан бўлиб отасига патефон беришган. Колхоздаги биринчи мукофот эди бу... Урушнинг учинчи йили ўша пайтда Ўзбекистондаги энг йирик ва муҳим иншоотлардан бири - Фарҳод ГЭСи қурилишига юборилган отаси орадан бир йилча ўтиб, соғлиғи ёмонлашган ҳолда қишлоққа қайтиб келди. Лекин оёққа туриб кетмади, бир неча ҳафтадан сўнг, эллик тўрт ёшида оламдан ўтди.

Бу - улар хонадони учун оғир йўқотиш бўлди. Айниқса бечора онаси чўкиб қолди.

Онаси Салвар Эргашеванинг ҳам ҳаёти далаю-дашт билан боғлиқ кечди. Отаси вафотидан сўнг, энди рўзғорнинг бор ташвиши муштипар онанинг зиммасига тушди. У тонг саҳарлаб далага жўнар, кун бўйи ишлаб ҳориганига қарамай, бошига бир боғ ўтин-чўп қўйиб, уч-тўрт чақирим йўл босган куйи кеч ғира-ширасида уйга кириб келарди. Шу алфозда апил-тапил сигир соғишга тутинар, уззу кун оч-наҳор юрган болалари учун бир қошиқ ёвғон тайёрлашга киришар, кейин бир сиқимгина донни ёрғичоқда тортиб олар, ундан хамир қориб, нон пишириш тараддудини кўрарди. Унинг бу юмушларни қай маҳал поёнига етказиб, қачон дам олиш учун тўшакка чўзилганини, тагин эрта тонг қоронғусида ҳаммадан бурун туриб сигир соға бошлаганини, болалар уйғонгунга қадар борини баён айлаб, ҳамма нарсани тахт қилиб қўйганини ва яна далага отланиб турганини - бу ишларнинг барини қандай бажаргани ва бунга қачон улгурганини ўзидан бошқа бирор кимса билмас эди.

Онанинг ҳар бир куни ана шундай кечарди. У гўё дунёнинг барча ташвишу кулфатини фақат иш билан енга олишига, бир лаҳза бўлса-да унутиш мумкинлигига ишонар ва бунга қасд қилгандек эди. Бироқ унинг бошига кутилмаган яна

бир қайғу тушди. Урушнинг учинчи йили кўнгилли бўлиб фронтга жўнаб кетган иккинчи ўғил - Дашқул ҳақида хунук хабар келди. У душман билан бир йилча жанг қилиб, бедарак йўқолди. Шу-шу ундан бошқа хат-хабар бўлмади, олис фронт билан Ўзбекистоннинг бир чекка қишлоғини гўё кўринмас ришта бўлиб боғлаб турган "Соғ-саломат юрибман" дегувчи бир оғиз калимали мактуб узилиб қолди...

Бу, айниқса, она учун оғир жудолик эди. Унинг ҳар бир куни дард ва азоб билан кеча бошлаганини хонадоннинг ҳар қайси аъзоси сезиб ва ҳис қилиб турар, лекин оналарини бу аламдан халос этиш учун улар ожиз эди.

На чора, осмон йироқ, ер қаттиқ бўлса...

Қолаверса, бундай фожиа биргина уларнинг оиласи бошига тушмаганди. Уруш ўзга хонадонларни ҳам аллақачон абгор қилиб қўйганди. Бошқалар ҳам энг яқин кишиларидан ажралган ва ажралмоқда эдилар. Бундай йўқотишлар ҳар куни, ҳар соатда ва ҳар бир дақиқада содир бўлиб турар, бу эса барчага баробар келган даҳшатли бир кулфат эканини, аммо тирик жон тириклигини кўриши зарурлигини, ишлаш ва фақат шу йўл билангина ҳар қандай мушкулни осон қилиш, ҳар қандай ғамни унутиш, бир лаҳза бўлса-да эсдан чиқазиш ва енга олиш мумкинлигини ҳамма тушуниб етганди. Бундан бўлак йўли, чораси йўқлигини улар билишарди.

Қариялар, кўпни кўрган ёши улуғ кишилар одамларнинг кўнглини кўтариш учун доим шундай насиҳат қилишар, бу билан улар ҳаммага, айниқса, жанг майдонида ҳалок бўлган ва жасадлари бегона юртларда қолиб кетган фарзандлари доғида куйиб адо бўлаёзган оналарга, ёрлари йўлида интизор кўз тикиб ётган жувонларга, оталари ва акалари соғинчи мунғайтириб қўйган ёшларга таскин-тасалли беришарди. Парвардигор бандаси бошига қайғуни солган экан, албатта, эрта бир кун унга шодликни ҳам ато этгусидир, дея сўзларди қариялар. Улар ўзларининг беғараз ва латиф сўзлари, зада ва заха кўнгилларга малҳам бўлувчи, дил оғриғини пайсал топтиргувчи бир оғизгина ҳалимдек юмшоқ калималари

билан одамларни ишонтиришарди. Ойнинг ўн беши зулмат бўлса, ўн беши ёруғ, дейишарди улар. Дунё кўрган кексаларнинг бу панди барчани тагин меҳнатга чорлар, ҳамма иш билан банд бўлиб, қайғуни ҳам унутгандек бўларди...

Эргашевлар хонадонидаги кетма-кет йўқотиш Деҳқонобод туманидаги қишлоқлардан биридаги мактабда ишлаётган тўнғич фарзанд - Убайдуллонинг яна ўз қишлоғига, онаси ва укалари ёнига қайтишига ва колхозда котиблик қила бошлашига сабаб бўлди. Уруш арафасида Қаршидаги муаллимлар тайёрлайдиган техникумда таҳсил олиб, тўрт йилча болаларга сабоқ берган катта аканинг ўз оиласи бағрига қайтиши хонадон мушкулини биров бўлса-да енгиллаштирди, она қалбидаги жароҳатга малҳам қўйди...

Урушнинг энг қизғин палласи - 1943 йили поччаси Панжи Хушназаров Ленинград жангида ҳалок бўлган, опаси Рўзигулнинг ҳуши жойида эмас, у ҳам барча тул қолган келинчақлар каби кўксига ҳар қанча муштламасин, ҳар қанча дод-фарёд қилиб шўр пешонасини тошга урмасин, ўз тақдирига ҳар қанча лаънатлар ёғдирмасин, бари бефойда эканини билар ва энди бутун аламини меҳнатдан олар, фақат иш билангина ўзини овутишга уринарди. Бу ўртада худди шу йили энди ўн бешга қадам қўйган акаси Нуриллони колхоз қўйларини боқиш учун чўлга юборишди. Бунинг ҳаммаси онанинг бир ташвишига ўн ташвиш қўшди. Акаси Убайдулло қишлоққа қайтиб, колхозда ишлай бошлагачгина, онанинг чироқ ёқса ёримас дили сал-пал равшан тортгандек бўлди...

Мана, орадан қанча йиллар ўтди, қанча баҳор келиб, қанча сувлар оқди. У бошидан не-не машаққату не-не воқеаларни кечирмади, дейсиз? Лекин Тойир Эргашев учун бунинг бари қачонлардир рўй берган аллақандай эртақ ёки афсона эмас, балки олис болаликнинг оғир дамларида кечган айна ҳақиқат эди...

ТУРТКИ

Ха, бари кечагидек ёдида. Ҳали мактабда ўқиб юрган кезларида, у эндигина болалик остонасидан ўсмирлик сари қадам қўя бошлаган бир паллада мустақил меҳнат қилиш нима эканини тушуниб етган эди. Ўшанда акаси Убайдулло рўзгор ташвишини ўз зиммасига олган, колхозда ҳам унинг ўрни сезилиб турарди. Бир куни уни ёнига чақириб, бўйбаста тузуккуна бўлиб қолган йигитчага бошдан-оёқ кўз қирини ташлаб оларкан, гўё яқин дўстига маслаҳат солган кишидек, мулоҳазакорлик билан деди:

-Менга қара, Тойир, қап-катта йигит бўлиб қолибсан-ку, а? Дарсдан кейин далага чиқсанг, дегандим. Ишингга қараб, меҳнат ҳақи ёзишарди. Рўзгорга нафинг тегарди бироз...

Ўзининг ҳам ҳаёлида шундай фикр бор эди, дарҳол рози бўла қолди.

-Майли, - деди у, бошини қимирлатиб. -Ўзим ҳам шуни айтмоқчи бўлиб юргандим...

Акаси уни бағрига босди, қувончидан елкасига уриб қўйди. Шу дамдан бошлабоқ унинг ҳаётида янги бир саҳифа очилди. Дала ҳам катта фронт майдони эди. Унга қандай иш беришса шуни бажарар, ҳамма қатори тиришиб ишлашга интиларди. Далада ўзи тенги болалар кўп эди. Орадан беш йил ўтиб, аллақачон тугаган уруш кулфатлари унутила бошлаган кезларда унга колхоз аробасини топширишди. Энди у ҳам бошқа аробакашлар сингари дала кезиб ғалла ташир, чорва моллари учун ем-хашак жамғаришда қатнашар, хуллас, ўша дамлардаёқ ҳақиқий меҳнат машаққати нима эканини, ишлаб топилган нон таъми қанчалик тотли бўлишини тушуниб етганди...

Одамлар бағрига шамол тега бошлади. Уруш йиллари бир аҳволда иш юритиб келган хўжалик ҳам энди қаддини ростламоқда эди. Рўзгорнинг камкўстини бутлаб олиш мақсадида оилаларга томорқа сифатида ер берилди. Ўша кезлари Эргашевлар хонадонининг ўттиз сотиҳча ери бўлиб, улар бунинг

асосий қисмида арпа ва бугдой етиштиришар, қолган бир парча жойда боғ барпо қилишганди. Узум, мевачева шу боғдан чиқарди. Фалла йиғиштириб олингач, ўрнига помидор, қовун-тарвуз, сабзи ва шолғом экишарди. Ўша айтларда оқар сув танқис эди. Уларнинг томорқаси адоғидан ўтувчи Жалажин ариғи май ойининг охирларида қуриб қолар ва қишга қадар ундан сув оқмас эди. Айниқса помидор ўсимлиги сувни кўп талаб қиларди. Ака-укалар фикрлашиб, қуриб қолган ариқ ичидан кудуқ қазишар, челақлаб сув тортишар ва уни қўлма-қўл қилиб экинларни суғоришар, шу йўл билан ҳосил олишарди...

Экинларни ерқудуқ суви билан челақда қўлма-қўл ташиб суғориш осон кечмасди. Улар бунинг машаққатини сезиб туришса-да, шунга мажбур эдилар. Шундай қилмаса бўлмаслигини улар яхши билишарди. Шунинг учун ҳам эринишмасди, чарчоқ нималигини хаёлларига ҳам келтиришмасди. Баъзан акаси Убайдулло укасига қараб ярим ҳазил, ярим жиддий оҳангда шундай деб қўярди:

-Тойир, сен сув ўқишга бориб, шу соҳанинг мутахассиси бўлиб келмагунингча ҳеч биримиз бу машаққатдан қочиб қутила олмаймиз чоғи. Ке, хўп дея қол. Борасан-а, шунақа ўқишга? Қарагин, биргина бизнинг томорқамиз эмас, ҳув нариги томонлардаги майдонлар, ундан ҳам нариёқдаги чўллар сувсизликдан қақраб ётибди. Ўша жойларга оқар сув олиб келинганидами, эҳ-ҳе, қанақа яшнаб кетишини хаёлингга ҳам келтиролмайсан!..

Тойир Эргашев бу воқеаларни эсларкан, ўзича кулиб қўяди. Бу нарса худди куни кечагина бўлиб ўтгандек. Эҳтимол, акасининг шу бир оғиз гапи унга туртки бўлиб, шунақа ўқишга жўнагандир? Эҳтимол, ўша эллигинчи йилларнинг бошида Тошкентдан уларнинг қишлоғига келиб, акаси Убайдулло билан бирга колхоз ерларини харитага туширган ўша корейс йигитининг (исми эсида қолмаган) суҳбатлари, бу ердаги даштларга қандай қилиб оқар сувни олиб келиш ҳақидаги фикрлари унинг ҳавасталаб қалбида сув илмини ўрганишга бўлган иштиёқни уйғотгандир?

Эҳтимол, бу ҳақда радиодан эшитганлари, мактабни тамомлаётган йили туман раҳбарининг уларни ўз ҳузурига чақириб ёшлар билан ўтказган қисқагина суҳбати, кекса мироб Чўли отанинг деҳқонча насихатлари таъсир этиб, шу йўлни танлагандир?..

Ўшанда акаси колхозда ер тузиш иши билан шуғулланарди. Хўжалик раҳбари Чўли отанинг таклифи билан у шу соҳага ўтиб ишлай бошлаганди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг йўлланмаси билан Қаршига келиб, уларнинг колхозида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўша корейс талаба йигит акаси Убайдуллога мурожаат этиб:

-Уканг Тойирни ўқишга қўй, мен ўқиган институтга юбор, - деганди. -У ерда катта олимлар кўп. Ўқиб, зўр одам бўлиб келади. -Сўнгра Эргашевнинг ўзидан сўрагани: - Тошкентга борасанми? Ирригатор бўлиб қайтасан. Сув мутахассиси бўлишни хоҳлайсанми?

-Хоҳлайман, - дея жавоб қилганди у.

Шу-шу унинг сув мутахассиси бўлиб етишишга интилиши бора-бора кучли иштиёққа айланди. Мактабни битириш арафасида у тагин бир воқеанинг гувоҳи бўлди. Ўшанда 1953 йил майининг адоғи эди чамаси. Оқшом чоғи мактаб ёнидан ўтиб, колхоз идораси томон бораётганида, кўча симёғочидаги радиокарнайдан ўша корейс йигити мақтаган Тошкентдаги олий ўқув юртининг раҳбари Аҳмедовнинг битирувчи ёшларни институтга чорловчи суҳбатини эшитиб қолди. Унда мазкур институтнинг шарт-шароити, талаба ёшларга бўлган талаб ва эҳтиёж, бу ерда тайёрланадиган мутахассислар, уларнинг халқ хўжалигидаги бугунги ўрни ҳақида гап борарди. Радиокарнай баланд овозда ўқир, Аҳмедовнинг суҳбати баралла эшитилиб турарди. Тойир Эргашевнинг сира ёдидан чиқмайди, шу эшиттириш сабабми, Тошкентга бориб, Аҳмедов чорлаган институтга киришга бўлган интилиши янаям кучайди. Албатта ўша жойда ўқишни юрагига тугиб қўйди. Кейинчалик, орадан кўп ўтмай шу даргоҳда ўқий бошлагач, Аҳмедовнинг мелиорация фани бўйича лекцияларини тинглаш бахтига муяссар бўлди.

Худди ўша кунларда уларни, мактабни тамомлаётган йигит-қизларни туман марказига чақириб қолишди. Туманнинг биринчи раҳбари Қаҳҳор Йўлдошевнинг ўзи ёшлар билан суҳбат ўтказди. У туманнинг эртанги истиқболи тўғрисида фикр билдириб, бунинг кўп жиҳатдан мутахассис кадрларга боғлиқлигини айтди, ҳозир эса туманда бор-йўғи биттагина олий маълумотли зоотехник иш кўраётганлиги, шунинг учун бугунги мактаб битирувчилари албатта турли соҳалар бўйича ўқишга боришлари кераклиги, ёшлар билим олишлари, касб-хунарли бўлишлари, бундай кишилар халқ хўжалигига сув билан ҳаводек зарурлиги ҳақида тўхталди. Қаҳҳор Йўлдошевнинг оддий ва самимий суҳбати ёшларнинг юрагига чўғ ташлади, уларнинг ўзлари орзу қилиб юрган соҳаларни эгаллашга бўлган меҳрини кучайтирди.

-Эрта бир кун ҳар бирингиз ажойиб касб эгаси, мутахассиси бўлиб қайтсангиз, туманда ишларимиз шу қадар яхшиланиб кетади. Бу - сизларнинг ҳам, бизнинг ҳам обрўйимиз. Шунинг учун умидимиз сизлардан, - деганди у, ишонч билан.

Ўша куни ёшлар туман марказидан қайтиб қишлоққа келишгач, уларни колхоз раиси Чўли ота Бегимқулов кутиб турган экан. Ҳаммани ҳузурига чорлаб, юзма-юз ўтириб, оддий ва дехқонча бир алфозда улар билан бирма-бир суҳбатлашиб чиқди. У битирувчи ёшларнинг ҳар бирини яқиндан билар ва яхши танирди. Уларнинг оиласини, яшаш тарзи, шарт-шароитини биларди. Шу боис ҳам ёшларнинг дилига қўл солиб, юрагидагини аниқлаб олар ва раъйига қараб, кимнинг қайси соҳани эгаллаши лозимлиги, қайси ўқишга бориши кераклиги хусусида ўз маслаҳатини берарди. Тойир Эргашев бунинг барини яхши эслайди. Бу нарса унинг хотирасида бир умр сақланиб қолган. Ўшанда Чўли ота унга қараб деганди:

-Сен одам дўхтирлиги бўйича ўқишга борасан. Хўпми?

-Мен фақат сув ўқишига бораман! - дея жавоб қилганди у. - Шуни танлаганман...

-Шундайми? - деб сўраганди Чўли ота. Сўнг қувониб, юз-кўзи яшнаб кетиб: -Маъкул, маъкул, - деганди тасдиқ оҳангида бошини қимирлатиб-қимирлатиб сўзлаганча. -Яхши танлабсан, тўғри танлабсан. Яша, ўғлим. Ахир бизга шу соҳа кишилари керак-ку! Албатта сув ўқишига кириб ўқи.

Ахир Чўли ота мироб эди. Унинг касбини илм йўли билан эгаллайдиган ёшлар чиқаётганидан, эртага уларнинг ўрнини босувчи ҳақиқий ўринбосарлар етиша бошлаганидан отанинг кайфияти кўтарилиб кетганди. У ўша кунни ғоят қувноқ бўлиб кетди, ҳар бир ёшнинг қўлини қисиб, катта ҳаётга қадам қўяётгани билан табриклади, ҳаммага оқ фотиҳа берди...

Шу дамдан бошлаб болалаликнинг олис йўли ортада қолди. Улар учун бу давр ҳам оғир, ҳам мазмунли кечди. Катталар каби болалар учун ҳам шу ўтган вақт синов даври бўлди. Ҳаёт ҳеч кимни аяб ўтирмади. Айниқса ёшларни ҳар жиҳатдан пишитди ва тоблади. Улар болаликнинг ўзига хос табиий бир даври - шўх ва ўйинқароқлик дамлар гаштининг нима эканини аниқ тасаввур эта олишмаса-да, энди сира қайтариб бўлмас шу олис болаликнинг эсда қоларли завқ-шавқли лаҳзаларини тўла бошдан кечирмаган бўлишса-да, ҳар қалай, суяклари далаю-дашт шамоли-ю, фронт орти меҳнатида қота борганининг ўзи ҳар қандай тарбиядан кучли бўлганини ва ҳар қандай нарсадан устун туришини англаб етишганди. Яшаш ва кураш қонунининг меваси бўлмиш ана шу устунликнинг ўзи улғайиш деб аталарди ва бу уларни ҳаётнинг катта йўлига олиб чиқиб қўйди...



ОРЗУЛИ ДУНЁ САРИ

*Орзули дунёда олам ўзгача,
Ўзини кашф этган одам ўзгача.
Ул кимки, ҳаётнинг сирин англаarkan,
Унинг-чун ҳар лаҳза, ҳар дам ўзгача.*

Хаётда орзу қилмаган инсоннинг ўзи йўқ. Зотан орзусиз яшаб бўлмайди. Кимки, орзусига эришмоқ учун ҳаёт пиллапоясидан ишонч билан юқорига - мақсад сари кўтарилиб бораркан, у албатта, кўзлаган манзилига етади ва нияти барҳақ топади. Мана энди, ана шу чўққида туриб, бугун чуқур ўйга ботган куйи Тойир Эргашев бу ҳақда тагин фикр юритмоқда. Ҳар бир инсон ўз тақдирини ўзи яратиши кераклигини, бу эса ҳаётнинг исбот талаб этилмайдиган қонуни эканини ўзи қайта кашф этган қисмати мисолида кўриб турибди...

Мактабни тамомлаб, ўзи танлаган "сув ўқиши"га кириб ўқий бошлаган ўша 1953 йил Тойир Эргашевнинг сира ёдидан чиқмайди. Тақдирни қарангки, худди шу йили уларга Ўзбекистоннинг жаҳон тан олган йирик олими Қори Ниёзий сабоқ бера бошлади. Бу аллома Ўзбекистон Республикасида биринчи профессор, биринчи академик бўлибгина қолмасдан, биринчи Халқ таълими вазири, республика Фанлар Академияси (1943 йилда ташкил этилган)нинг биринчи президенти лавозимларида ҳам ишлаган эди.

Тойир Эргашевнинг ҳамон эсида: ўта маданиятли бўлган бу инсон бир сўзли, ҳақгўй, барчага меҳрибон, айниқса, ёшларга жонкуяр ва айни пайтда қаттиққўл ҳамда талабчан эди. Фан фидойиси Қори Ниёзий таклифи ва талаби билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига қабул қилинган талаба ёшларнинг асосий қисми математика фанидан етарли билимга эга эмаслиги учун уларга шу соҳа бўйича кўшимча олтмиш соатлик дастур асосида сабоқ бериш йўлга қўйилди. Ўша йили биринчи босқич талабалари тўрт гуруҳ эди. Тойир Эргашев тўртинчи гуруҳга етакчи-

лик қиларди. Назарий машғулотлар тўртала гуруҳ учун ҳам бир пайтнинг ўзида олиб борилар, амалиёт дарслари алоҳида-алоҳида қилиб ўтиларди. Амалиёт дарсини тўртинчи гуруҳга академик Қори Ниёзийнинг ўзи ўта бошлади. Турли фанларни чуқур билган бу машҳур алломадан талаба ёшлар фақатгина илм сирларидан сабоқ олибгина қолмасдан, айна чоқда одоб-ахлоқ ва муомала маданиятини, одамларга нисбатан муносабатни, ҳалол-покизаликни, ҳақгўйлик ва одамийлик илмини, фидойиларча меҳнат қилишни ва ҳоказоларни ҳам ўрганишди.

Улуғ аллома талаба ёшларга сабоқ бериш давомида уларнинг фанларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишини кучайтириш истагида шундай дерди:

-Сизларга битта ҳақиқатни айтмоқчиман. Фанларнинг отаси - фалсафа. Табиий фанлар ҳам, ижтимоий фанлар ҳам шу фалсафадан ажралиб чиққан, унинг таркибий қисми ҳисобланади. Математика эса аниқ фанларнинг ўзаги, мағзидир. Техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳа мутахассиси, муҳандиси бўлишни истаган ҳар бир киши албатта математикани чуқур билиши шарт...

У яна бир нарсани қайта-қайта такрорларди:

-Сизлар ҳали ёшсизлар, ҳар бирингиз қалбда катта орзу-умид билан ҳақиқий, лекин синовлари кўп бўлган ҳаётга энди кириб келаяпсиз. Шунинг учун бир нарсани доим эсда тутишингиз зарур. Эрта бир кун ўқимишли мутахассис сифатида бирингиз раҳбар, яна бирингиз оддий муҳандис бўлиб ишлай бошлайсиз. Лекин ҳамма вақт одамийликни сақлаб қолингиз. Аввало инсон деган улуғ номни, муҳандис деган шарафли касбни оқлаб ишлашингиз ва яшашингиз лозим. Одам ҳеч маҳал вазифа эгаллаш, амалдор бўлиш, мол-давлат йиғиш учун яшамаслиги керак. У фақат чин инсон бўлиб қолиши учун ўқиши, билимини ошириши, шу олган билимини ҳалол меҳнат қилиш йўлида ишлатиши, ўзи яшаб турган жамият, эл-юрт тараққиёти учун хизмат қилиши лозим. Шундагина у одамлар ҳурматини қозонади, эл-юртнинг таниқли ва керакли одамига айланади. Ҳамма нарса вақтин-

чалик ва ўткинчидир, одамийлик эса абадийдир. Ҳаёт учун кураш деганининг мазмуни ҳам худди шундан иборат...

Фанларнинг асосий қисми техникага оид бўлгани сабабли мавжуд адабиётларнинг деярли барчаси рус тилида эди. Бу тилни ўрганмасдан туриб, дарсларни ўзлаштириб бўлмасди. Бу эса қишлоқдан келган ёшлар учун бир қадар қийинчилик туғдира бошлади. Буни домлалар сезиб туришарди. Лекин қандай бўлмасин, бу муаммони ҳал этиш зарур эди. Бунда академик Қори Ниёзийнинг яна бир ғамхўрлиги-ю, ташаббуси қўл келди. Буни Тойир Эргашев ҳамон миннатдорчилик билан эсга олади.

Домланинг таклифи билан ўзбек, рус ва русийзабон бошқа миллат вакилларида иборат талаба ёшлар ётоқхона хоналарида аралаштириб жойлаштирилди. Албатта, бирга яшаб ва биргаликда таҳсил ола бошлаган ёшлар бир-бирларини тушуна бордилар, бир-бирларига яқиндан кўмаклашадиган бўлишди. Бу усул қишлоқлик талабаларнинг рус тилини тезроқ ўзлаштириб олишлари учун қулайлик туғдирди. Улар шу тариқа фанларни яхшироқ ўзлаштирадиган, ҳатто имтиҳон ва синовларни аъло баҳоларда топширадиган даражага кўтарилдилар.

-Биз бир мактабдан тўрт йигит имтиёзли шаҳодатнома билан институтга имтиҳонсиз қабул қилингандик, - дея хотирлайди Тойир Эргашев, ўша талабалик йиллар ҳақида аллақандай ҳаяжон билан сўзларкан. -Лекин рус тилини яхши билмасдик. Шунинг учун ҳам дастлабки пайтларда фанларни ўзлаштиришда қийнала бошладик. Рус тилида бўлган адабиётларни қайта-қайта ўқисак-да, мавзунинг мазмунини тўлиқ англаб етолмасдик. Шунга қарамасдан, катта-кичик матнларни ёд олишга ва шу йўл билан имтиҳон топширишга мажбур эдик. Шу сабабли ўқишдами, йўлдами, ёки бўлмаса, пахта теримида қатнашиб юрган пайтларимиздами, қаерда бўлишидан қатъий назар, рус талабалари билан рус тилида гаплашишга ҳаракат қилардик. Бундан ташқари, тиришиб ўқиганимиз ва ўзимизга нисбатан талабчанлигимиз ўз натижаси-

ни берди, рус тилида ўқиб-ўрганадиган бўлдик... Шундан сўнг, дарсларни ўзлаштириш осонлашди. Энди синов ва имтиҳонларни қийналмасдан топшира бошладик. Бундан ўзимиз ҳам, домлалар ҳам хурсанд эдик. Бу, албатта, кишининг ўзига, қатъий ҳаркат ва меҳнатига боғлиқ эканини бугун тагин бир марта чуқур ҳис этиб турибман. Мен буни талабалик йиллардан кейинги меҳнат фаолиятимда кўп марта синаб кўрдим ва бунга тўла ишонч ҳосил қилдим. Меҳнатсиз ва мақсадсиз ҳеч нимага эришиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, шундай. Бир пайтлар, Тойир Эргашев ҳали мактабда ўқиб юрган дамларида уни ўқишга ундаган ўша корейс йигитининг, акаси Убайдуллонинг, қолаверса туман раҳбари Қаҳҳор Йўлдошев ва кекса деҳқон Чўли ота Бегимқуловнинг ишончини оқлаган эди.

КУТИЛМАГАН ТАКЛИФ

Нихоят, талабалик йиллар тугаб, у институтни муваффақиятли тамомлаган, муҳандис-гидротехник мутахассислиги бўйича ҳужжатни қўлга олган ўша 1958 йилнинг август ойи бошларидаги бир воқеани яхши эслайди. Ўшанда битирувчи ёшларни ишга юбориш учун йўлланма берилаётган эди. Ҳар бир ёш мутахассис ҳайъат аъзолари суҳбатидан ўта бошлади. Навбат Тойир Эргашевга етганида, институт раҳбари И.Ф.Сукач унга мурожаат этиб қолди:

-Сени институтда қолдирмоқчимиз, - деди у, факультет раҳбари А.Г.Останковга "тўғрими" дегандек нигоҳ ташлаб оларкан, савол назари билан яна Тойир Эргашевга боқиб. -Ҳоҳлаган учта, масалан, гидроиншоотлар, қишлоқ хўжалик мелиорацияси, гидромелиорация ишларини ташкил қилиш соҳаларидан бирида илмий иш олиб боришинг мумкин. Сени тарбиялаймиз ва ёрдам берамиз. Хўш, таклифимиз маъқулми?

Кутилмаган бу таклиф ёш мутахассисни бир дам ўйлантириб қўйди. Домлалар унинг келажагига катта

умид билан қарашмоқда эди. Умуман улар ёшларнинг тақдирига бефарҳқ қарамаган ҳолда, уларни танлашда сира адашмасди. Тойир Эргашев иқтидорли ёш мутахассис бўлгани учун ҳам унга шу ерда қолиб ишлашни таклиф қилишаётганди. У бирданига "йўқ" деб жавоб қайтармади. Уни ўз юртида, қишлоғида кутишаётганини унинг ўзи тушуниб турарди. Чўли бобога, бутун республикада таниқли кекса миробга, тажрибали деҳқонга, машҳур хўжалик раҳбарига "Қишлоққа қайтиб келаман" дея сўз берган-ку. Бундан беш йил бурун ёшларни ҳузурига чақириб, уларнинг ҳар бирига "Ўқинглар, сиздек ёшлар бизга сув билан ҳаводек керак" дея насиҳат қилган ва умид кўзи билан кутиб турган туман раҳбари Қаҳҳор Йўлдошев, акаси Убайдулло унинг кўз ўнгидан нари кетмади. Йўқ, институтда қололмайди. Таклиф учун домлаларга раҳмат дейди. Лекин Қашқадарёга, Қаршига бормаса, ўша ерда меҳнат қилмаса бўлмаслигини ҳозирнинг ўзида айтади. Узр, лекин ўша ёққа бормасам бўлмайди, дея тўғриси гапиради. Юрагига, виждонига қарши иш кўролмаслигини билдиради. Ҳа, ҳа, шундай.

-Ишончларингиз учун раҳмат, - деди у, жиддий оҳангда. -Ўз вилоятимда ишламоқчиман.

Ҳайъат аъзолари бир-бирларига маъноли қараб олишди ва "маъқул" деган ишорада бош қимирлатиб қўйишди.

-Яхши, - деди институт раҳбари Сукач, ўз талабасига миннатдор боқиб. -Доим шундай қатъиятли бўл. Ишингда омад тилаймиз.

Тойир Эргашев хурсанд бўлиб ташқарига чиқди. У яна бир синовдан ўтиб, катта ҳаётга дадил қадам қўйганини ўша куниёқ тушуниб етди...

-Чимқўрғон сув омбори қурилишида ишлаш иштиёким бор эди, - дейди Тойир Эргашев, нега институтда қолиб илмий иш билан шуғулланишни рад этгани ҳақида изоҳ бераркан. -Чунки диплом ишим "Чимқўрғон сув омбори қурилишини ташкил этиш ва қуриш" мавзуида бўлиб, икки ярим ой дипломолди амалиёти даврида энди бошланган мазкур иншоот қурилишидан анча хабардор эдим...

Лекин ўқишдан сўнг, Эргашевга сув омбори қурилишида ишлаш учун имконият бўлмади. Институтни яқиндагина тамомлаб келган ёш мутахассис бўлишига қарамай, унинг билимли ва ихтисослигига нисбатан иқтидори кучли эканини сезиб туришганми, ҳар қалай нима бўлмасин, уни сув хўжалиги соҳасининг бошқа тармоғида ишлашни давом эттириши учун Қаршининг ўзида қолдиришди ва бунинг сабабини унга тушунтирган бўлишди: "Сиз фаолиятингизни сув омбори қурилишидан ҳам муҳимроқ бўлган ишдан бошлашингиз лозим", - дейишди.

Шундай қилиб, Тойир Эргашев аввал Эски Анҳор каналини ишлатишда муҳандис, сўнгра Вилоят сув хўжалиги ташкилотида катта муҳандис, бўлим бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсата бошлади. Шу йиллари у мавжуд каналларда сувдан фойдаланиш коэффицентини кўтариш устида иш олиб борди.

1962 йили Қашқадарё ўзанида вилоятда илк бор Қарши гидроузели қурилиши бошлаб юборилди. Бу ўша пайтда вилоятдаги энг йирик сув иншооти бўлиб, дарёнинг қуйи оқимида ундан сув оладиган элликта нуқта ўрнига Ўнг ва Чап қирғоқ ҳамда Қарши тармоғи каналларини қуриб ишга тушириш ва шу сув йўллари орқали воҳанинг қуйи минтақасида жойлашган, кўпдан бери сув танқислигини сезиб келаётган хўжаликларни мўлжалдаги оби-ҳаёт билан таъминлаш кўзда тутилганди.

Секундига 520 кубметр сув ўтказиш қувватига эга бўлган бу йирик иншоот қурилиши кўп ўтмай ниҳоясига етказилди ва 1965 йилнинг 26 апрелида дарё суви тўсилиб, гидроузел орқали Ўнг ва Чап қирғоқ каналлари бўйлаб оби-ҳаёт оқа бошлади...

ХАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ХАЁЛ

Қаршининг бепоён чўл билан тутшиб кетган қишлоқларида истиқомат қилаётган одамлар бу жойларга ҳам йилнинг исталган фаслида оқар сув етиб келишини хаёл қилишарди фақат. Бу - кекса мироб Чўли бобонинг ҳам армонли орзуси эди. Шу

боис у ёшларнинг жонкуяр гамхўри бўлиб танилган ва уларни доим турли касбларни эгаллашга чорлаб турар, бу йўлда қўлидан келадиган ёрдамини аямасди. Мана, бугун ўша ёшлардан бири - Тойир Эргашевнинг ўқимишли мутахассис бўлиб келганлиги ва Чўли бобо ният қилган соҳада - сув келтириш ишида ишлай бошлагани - ота орзусининг ижобат бўлганини, бошқача қилиб айтганда, хаёлнинг ҳақиқатга айланганини кўрсатиб турар, бу албатта, гамхўрликнинг илк меваси эди.

1961 йилнинг август ойида Қашқадарё машина-экскаватор станцияси билан Эсиканҳор қурилиш-монтаж бошқармаси негизида, яъни шу иккала ташкилотнинг бирикуви туфайли ташкил топган Қашқадарё қурилиш-монтаж бошқармасида фаолият кўрсата бошлаган Тойир Эргашев 1962 йилдан 1968 йилга қадар мазкур бошқармада бош муҳандис, кейинчалик бошлиқ вазифаларида меҳнат қилди. Шу йиллари сув хўжалиги қурилиши ишлари вилоятда ягона бўлган ана шу ташкилот томонидан олиб борилди. 1965 йилдан бу соҳада кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Шаҳрисабз туманида Мўминобод, Чоршанбе, Яккабоғ туманида Ўнг қирғоқ ва Чап қирғоқ, Китоб туманида Дам, Қарши туманида Оби-ҳаёт каналлари бетонлаштирилди. Мелиорациялаш ишларига ҳам кенг эътибор қаратилди. Воҳанинг қуйи минтақасида Худойзод, Қоратепа зовурлари қазилди...

Бу, албатта, вилоятда сув хўжалиги қурилиши соҳасида катта ишнинг бошланиши эди. Ёш мутахассис Тойир Эргашев ва унинг тенгдош ҳамкасб дўстлари учун бу йиллар яна бир синов даври, иқтидорли муҳандис сифатида ҳам, раҳбар сифатида ҳам тажриба орттириш, ташаббус кўрсатиш, хатоларни тузатиш, ўрганиш, бошқариш санъатини эгаллаш мактабида тобланиш даври бўлди. Бундай илк катта қурилишга раҳбарлик қилиш даврида Тойир Эргашев ҳаётни ўрганибгина қолмасдан, айна чоғда келажакка, Қашқа воҳасининг истиқболига ишонч билан боққан ўнлаб, юзлаб ва минглаб меҳнат фидойиларини кашф этди. Серёжа Суманнев, Виктор Петренко, Комил Са-

мигулин, Виктор Кеншов каби моҳир экскаваторчилар, Болта Сатторов, Хайри Жўраев сингари бульдозерчилар, гидроузел қурилишида бетончилар бригадасига раҳбарлик қилган Зебида Ғаниева, дурадгор Виктор Гребенников ва бошқа қатор турли касб эгаларининг сиймоси, мардонавор меҳнати Тойир Эргашевнинг ҳамон кўз ўнгида турибди. Ўз касб-корининг фидойи кишилари бўлмиш бу оддий одамларнинг ҳар бири кундалик ҳаётнинг, ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий курашчилари, меҳнат қаҳрамонлари сифатида майдонга чиқдилар. Улар қандайдир мукофот соҳиби бўлиш, шон-шухрат қозониш учун эмас, балки эл-юртнинг фаровонлиги йўлида меҳнат қилишди. Лекин бу фидойи меҳнат ростдан ҳам уларнинг кўпчилигини турли беллашувларнинг ғолиби ва турли юксак мукофотларнинг соҳиби қилиб эл-юртга танитди...



ҚАРШИ ЧЎЛИДА

*Инсон туғилади, ўсар, улғаяр,
Бу йўлда гоҳ тояр, гоҳо мунғаяр.
Лекин Ватан сўзин маъносин туйиб,
Жонин тикар унга меҳрини қўйиб.
Шунда ўзлигини англаб етар у,
Ҳаёт китобини дилга битар у.
Кураш - унинг учун аҳдга айланар,
Умрнинг ҳар дами бахтга айланар.
Бундай одамларга ёндашсанг арзир,
Ҳаётни улардан ўрганмоқ - қарздир...*

Карши чўлининг ўзлаштирилиши - Қашқа воҳасининг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Бу - муҳим воқеа бўлиб тарихга кирди. Буни Тойир Эргашев ва унинг ҳамкасб дўстлари яхши билишади.

Ўшанда вилоятда сув учун ҳақиқий курашнинг иккинчи босқичи бир миллион гектар унумдор ер майдонига эга бўлган бепоён Қарши даштига кўчганди. Бу эса 1963 йилнинг бошидаёқ юз берди. Ҳукумат қарори билан айнан шу йили чўлни суғориш ва ўзлаштиришга ихтисослашган йирик ташкилот - "Қаршиқурилиш" ҳудудий бошқармаси ташкил топди. Унга Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида туғилиб вояга етган, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида сув хўжалиги соҳаси ишларида катта тажриба орттирган сув қурилиши муҳандиси Бекмурод Усмонов бошлиқ этиб тайинланганди. Вилоят маркази - Қаршида жойлашган бу катта қурилиш штаби орқали ўша дастлабки кунларданоқ бир вақтнинг ўзида ҳам шаҳарда, ҳам чўлда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бошқарила бошланди.

Чўлни ўзлаштиришдан мақсад - нафақат ер очиш ва сув келтириб экин экиш, балки айни пайтда уй-жой, мактаб, болалар боғчалари, тиббий муассасалар, маданий-маиший объектлар, кўп тармоқли саноат корхоналарини қуриш, ишчи шаҳарчаларини вужудга келтириш, умуман, бу ерда аҳоли кенг қатламининг доимий яшаб қолиши ва меҳнат қилиши

учун барча шароитларни яратиш билан боғлиқ бўлган муқобил режа асосида кўп қиррали иш олиб бориш зарур эди.

Қашқадарё ўзанида йирик сув иншооти қурилишига раҳбарлик қила бошлаган Тойир Эргашевнинг кўз ўнгида Қарши шахрининг қиёфаси кундан-кун ўзгариб борди. Бу ерда биринчи чўлқуварлар истиқомат қилиши кўзда тутилган замонавий услубдаги қўш қаватли гиштин уйлар қад ростламоқда эди.

Ҳа, ўшанда чўлда иш бошланиши биланоқ, шаҳарда ҳам ҳаёт қайнаб кетганди. Қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмас, пишиқ гишт, цементли қоришма, асфальт ташиб келтираётган юк автомашиналарининг кети узилмасди. Янги чиқарилган кўчаларга шағал ва асфальт ётқизилар, йўлнинг ҳар икки қанотида кичик сув тармоғи, пиёдалар йўлаги барпо қилинарди. Яқиндагина қуриб битказилган ва ҳали бўёғи анқиб турган дастлабки уйларнинг калити унинг эгаларига - биринчи чўлқуварларнинг оилаларига топширила бошланганди. Бунинг бари шаҳарликлар кўз ўнгида содир бўлмоқда эди. Ҳаммининг бундай катта ўзгаришларга қизиқсиниб қараётгани, биринчи чўлқуварларга, уларнинг қизгин меҳнатига ҳавас ва хайрат билан боқаётгани, кўпларнинг шу фидойи меҳнат кишилари сафига интилишга бўлган иштиёқи шундоқ кўриниб турарди.

Асли чўл ҳавосидан нафас олиб вояга етган Тойир Эргашевнинг қалбида ҳам чўлқуварлар сафига қўшилиш, катта кураш майдонига интилиш иштиёқи кун сайин кучая бошлаганини унинг ўзи ҳар лаҳзада ҳис қилиб турди. Ахир шундоқ уларнинг қишлоғи этагидан бошланиб кетган бепоён қўриққа сув келтириш, асрлар бўйи қақраб ётган ҳудудсиз даштни ўзлаштириш унинг болалик орзуси эди-да. Қолаверса, бу билан у кекса чўлқувар, халқ ўртасида ном қозонган мироб ва ҳақиқий деҳқон Чўли бобо қилган орзу-ниятларнинг рўёбга чиқиши, ушлаши учун ана шу хайрли ишга ҳиссасини қўшишни ўзининг инсоний бурчи эканини асло унутмаган, буни бажариш зарур ва шартлигини қалбининг бир четида сақлаб келарди.

Чўлда иш бошланганининг бешинчи йилида, аниқроғи 1968 йилнинг августида Тойир Эргашев қўриқдаги энг муҳим иш нуқтаси ҳисобланган Талимаржонга юборилди. У вилоят раҳбариятининг таклифи ва тавсияси билан сув хўжалиги қурилишининг кўзга кўринган муҳандиси сифатида "Сувқурилиш" трестининг 9-қурилиш-монтаж бошқармасига раҳбарлик қила бошлади. Мазкур ташкилот зиммасига Қарши бош каналини қазिश, бўлажак насос станциялари ўрнини тайёрлаш вазифаси юклатилган эди.

Тойир Эргашев чўлда иш бошлаган биринчи лаҳзалардаёқ бу ердаги вазиятнинг нақадар жиддийлиги ва оғирлигини тушунди. Олдинги "Сув хўжалиги бошқармаси" негизда юзага келган бу янги ташкилотда шу дамгача на бошлиқ, на бош муҳандис ва на бошлиқ ўринбосари - бирон-бир тайинли раҳбар бўлмаганлиги, фақат "Қаршиқурилиш" аппаратининг вакили - техника бошқармаси бошлигининг муовини Владимир Михайлович Тушиннинг мазкур бошқарма-ни вақтинча бошқариб турганлиги маълум бўлди.

Тойир Эргашев Владимир Михайловични ҳали яхши танимасди, лекин унинг тажрибали муҳандис эканлигини эшитганди. Улар танишишган ўша биринчи куниёқ Тушин бошқарманинг янги бошлиғи - Тойир Эргашевга бу ердаги аҳволни қисқача изоҳлаб берди. Экскаватор, скрепер, бульдозерлар, қисқаси, бошқарма ихтиёрида мавжуд бўлган бошқа механизмларнинг ҳаммаси Қарши бош каналининг юқори қисмини, насос станцияларининг ўрнини қазिश ишларига сафарбар этилганини тушунтирди.

Шу куни бошқарма бошлиғи энди ўзи билан биргаликда ишлаши лозим бўлган бошқа ходимлар фаолиятини ҳам кўздан кечириб чиқди. Г.Расказов - режа бўлимининг бошлиғи, М.Гарифулина - бош ҳисобчи, Н.Мочанов - бош механик, К.Абдурафиев - қурилиш участкасининг бошлиғи, А.Чураков - таъминот бошлиғи, М.Кузнецов - устахона мудири бўлиб ишлашаркан. Тойир Эргашев уларнинг бу ерга, чўлга бекорга келмаганлигини дарҳол фаҳмлади, бу одамларнинг деярли бари ишлаб чиқаришда тажриба орттирган,

Нурек ГЭСи, Қорақум канали қурилишларида кўп ишларни ўз кўзи билан кўриб, ўз қўли билан бажарган турли касб эгалари эканлигини, ҳатто ишчилар ва турли хилдаги механизмларни бошқараётган кишилар орасида ҳам ўз соҳасининг билимдонлари борлигини ва бундай жамоа билан ҳали бу ерда катта ишларни бажариш мумкинлигини англади.

Лекин Тойир Эргашев ҳали қувониш эрта эканлигини ҳам тушуниб турарди. Унинг кўнгли нимадандир безовта эди. Ростини айтганда, бошқарма бошлиғи канал қазувчилар, насос станцияси қурувчилари ва бошқа участкалардаги ишчилар ҳузурида бўлиб, олиб борилаётган иш жараёнини кўздан кечиришкан, бундан қониқиш ҳосил қилмади. Иш суст бормоқда эди. Айниқса, техникадан фойдаланиш унинг кўнглига ўтирмади. Канал қазиишга сафарбар этилган механизмларнинг айримлари яроқсиз ҳолга келган, эҳтиёт қисмлар етишмасдан иш бошида тўхтаб турарди. У ўша кун и ҳориб-чарчаб изига қайтаркан, бу ердаги ишни жадаллаштириш учун нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлай бошлади. Аввало зарур бўлган эҳтиёт қисмларни топиб, тўхтаб қолган механизмларни созлаш, уларни ишчан ва тажрибали кишилар қўлига топшириш лозимлигини сизди.

Тойир Эргашев шу бепоён дашт билан туташиб кетган қишлоқда вояга етган, унинг бутун болалиғи-ю, ёшлик чоғлари далаю-даштда кечган бўлса-да, чўлда ишлаш шунчаки осон эмаслигини, бу тилсимли саҳрони ўзлаштириш мураккаб жараён эканлигини, бу нарса ўзи тасаввур этганидан ҳам жиддийроқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлигини бу ердаги шарт-шароит билан таниша бошлагачгина тегран тушуниб етди. Бўлажак канал трассаси бўйлаб кун бўйи тупроқ кечиб пиёда юрди ва чор атрофга назар солиб, буни тағин чуқурроқ ҳис этди.

Унинг қаршисида бепоён чўл ястаниб ётарди. Асрлар давомида қатра сувга ташна бўлиб келган тилсиз саҳро киши қалбига ваҳима соларди. Ҳаммаёқда ўркак-ўркак қум барханлари. Гўё ютаман дейди. Чўлнинг табиати ҳам ўзидек ўжар. Тез-тез шамол ту-

риб, осмону фалакка чанг-тўзон кўтарилади. Бир зум кўз очиб бўлмайди. Ҳаял ўтмай, ҳозиргина машина қатнаб турган йўлни кум кўмиб кетади. Қаердан келганини, қаёққа қараб юришини билмай қоласан...

Кўриниб турибди. Бу ерда ишлашнинг ўзи бўлмайди. Буни ҳамма тушуниб етган. Аммо одамлар бардош беришарди. Улар ишонч билан меҳнат қилишарди. Лекин бари-бир улар учун қўлдан келган шарт-шароитни яратиб бериш, ишга тўсиқ бўлиб турган муаммоларни тезда ҳал этиш керак. Ана шу ишларни тўғри ташкил этиш - биринчи галда бошлиқ сифатида ўзининг зиммасида эканини Тойир Эргашев тушуниб турарди... Шу сабабли орадан кўп ўтмай, ўзи раҳбарлик қила бошлаган бошқарманинг кўзга кўринган муҳандис-техник ходимлари, шунингдек "Сувқурилиш" трестидан Ҳ. Ҳамроев, В. Лазурин, Я. Топольсков, "Қаршиқурилиш" бошқармасидан Ҳ. Шоғазатов, Н. Каменов, В. Стельмах каби раҳбарлар ва бошқа мутасадди муҳандислар билан бамаслаҳат иш кўриб, бу масалаларни ечиш устида шуғулланишга тўғри келди.

Лекин эгасизлик туфайли бошқармада муаммолар тўпланиб қолганди. Бирини ҳал қилса, бошқаси иш жараёнида маълум бўла бошлади. Энг ёмони - бу ерда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тушиб кетган, ички меҳнат интизоми ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Механизаторлар ўз билганларича иш юритишар, уларга ҳақ тўлаш ҳам маълум бир тартибда эмасди. "Бир ерда депсиниб туриш" ҳолатидан чиқиб олиш учун қатъий ҳаракат қилишга тўғри келди. Тойир Эргашевнинг тавсиясига кўра бошқармага бош муҳандис этиб тайинланган Владимир Михайлович Тушин бульдозерлар ёрдамида канални қазишда бажарилиши лозим бўлган барча зарур ишларнинг аниқ йўналишини ишлаб чиқди. Бульдозерчиларга қанча ҳақ тўланиши ҳам белгилаб олинди. Трест бош муҳандиси Василий Трафимович Лазуринга ҳам бу усул маъқул бўлди.

Масаланинг ечими топила бошлаганидан бироз кайфияти кўтарилган Тойир Эргашев ўзининг яқин

ёрдамчиси - бошқарма бош муҳандиси Тушинга қараб мурожаат қилди:

-Владимир Михайлович, туш пайтида ҳаммани бир ерга йиғиб, интизом ҳақида гаплашиб олишимиз керак, - деди у. -Барчага ҳамма гапни очиқчасига тушунтирамиз. Менимча, энг тўғри йўл шу. Шундай эмасми?

-Албатта, - унинг фикрини маъқуллади бош муҳандис. -Бу ерда фақат ишлашни хоҳлаганлар қолиши лозим...

Шундай қилиб, 1968 йилнинг эрта куз кунларидан бирида Қарши бош каналининг эллигинчи чақиримидаги трассада (иш шу атрофда бормоқда эди) айнаи туш маҳали ҳамма бир жойга тўплангач, қисқагина йиғилиш ўтказилди. Бундан кейинги иш йўналиши, меҳнатга ҳақ тўлаш қоидалари бу ерда ишлаётганларга, айниқса, механизаторларга аниқ қилиб айтилди ва тушунтириб берилди. Ва яна бир нарса рўй-рост, ошқора ўртага ташланди:

-Шу бугун, шу соатдан бошлаб ҳар ким аниқ режа асосида, ҳалол ва виждонан ишлашга ўтиши керак. Истамаганлар, интизомга бўйсунмовчилар техникани топширсин!

Ҳеч ким бундай бўлишини кутмаганди. Лекин одамлар, бари-бир, қачондир шундай ҳол рўй беришини биларди. Мана, анчадан бери кутилган нарса бугун содир бўлди...

Ўртага оғир сукунат чўқди. Кўп ўтмай, ўзаро шивир-шивир, маслаҳатлашув бошланди. Кейин механизаторлар бир қарорга келишди: Лазуринни, Эргашевни, Тушинни, Очиловни, Рассказовни ишонтириб айтишдики, улар ҳеч қаёққа кетмоқчи эмас, ростакамига меҳнат қилишга тайёр!

Ана шундан сўнг, бу ерда ҳиқикий кураш бошланди. Иш икки-уч сменада ташкил этилди. Айрим экипажлар кеча-кундуз тиним нималигини билишмади. Айниқса, қишнинг изғиринли кунларида ҳам ва ҳатто 1969 йилнинг кўкламида жуда кўпчилик механизаторлар бошқараётган қудратли техникаларнинг мотори ҳафтанинг олти кунда ҳам ўт олиб турди. Канал трас-

саси бўйлаб меҳнат fronti қизиб, кенгайиб борди. Экскаватор, скрепер ва бульдозерларнинг қулоқларни қоматга келтирувчи янгроқ овози ҳудудсиз чўл узра чор-атрофга ёйилиб, бу ерда кураш кундан-кун авж олаётганидан, ҳаёт жўш ураётганидан дарак бериб турди.

Азалдан адолатпарвар бўлиб ўсган, поклик ва ҳалоллик қон-қонига сингиб кетган Тойир Эргашевнинг иш услуби оддий кишилар манфаатига мос бўлиб тушганини, айниқса, бу ишда кескин бурилиш ясай бошлаганини кўпчилик тушуниб етди.

Болалиги, бутун ёшлик йиллари далаю-даштда, уфқ қадар чўзилиб кетган кенгликларда ўтган, ахир инсон меҳнати, унинг қадрига етиш нималигини ўша пайтлардаёқ англаб етган Тойир Эргашев одамларга ғамхўрлик қилиш - бу ҳамма соҳада, ҳар бир ишда муваффақиятга элтувчи бирдан-бир тўғри ва ягона йўл эканини яхши биларди. Талабалик дамларидаёқ у шу ҳақда ўйлар, албатта, эрта бир кун ҳаётда бунга тўла амал қилишини дилига тугиб қўйганди.

Мана, ўша кунлар етиб келди. У бугун раҳбар экан, ишни ўзи ўйлагандек тартиб асосида олиб боришни шароит тақоза эта бошлаганини, бу ҳаммага бирдек тааллуқли эканини бошқармадаги ҳар бир киши сезиб турарди. Кундузги ва тунги сменалардаги ишлар жараёнини кузатиб бориш мақсадида ҳафталик жадвал тузилди. Бунга кунлар бўйича бошқарма апаратининг масъул ходимлари киритилди. Иш жараёнида юз бериб турадиган муаммолар, етишмовчиликлар, хато ва камчиликлар аниқланиб, дарҳол уларни ҳал этиш ва тузатиш чоралари кўрила бошланди. Одамларга ана шундай ғамхўрлик қилиш, ҳам маънавий, ҳам моддий мадад кўрсатиш зарур эди.

Ҳа, чўл Тойир Эргашев ҳаётида янги бир саҳифа очганди...

ҲАЛОВАТСИЗ КЕЧГАН КУНЛАР

Хаётининг, меҳнат фаолиятининг асосий қисми-ни Қарши даштини суғориш ва ўзлаштириш каби кенг миқёсли мураккаб иш жараёни билан боғлаган Тойир Эргашев сўзининг мазмунини қайд этадиган бўлсак, ростдан ҳам қўриқ очиш осон кечмади...

1970 йилнинг февралда катта қурилишнинг “энг қайноқ нуқтаси”да иш бошлашга тўғри келди. Тойир Эргашев энди “Сувқурилиш” трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармасига раҳбар этиб тайинланди. Бошқарма жамоаси олдига Қарши бош каналининг Амударё соҳилидан Биринчи насос станциясигача бўлган 20 ва ундан кейинги 12 чақиримли қисмида ишлаш, мураккаб сув иншоотларини бунёд этиш вазифаси қўйилди. Тойир Эргашев шу пайтга қадар вилоятдаги катта-кичик каналларни қазишда, Қарши гидроузели, шунингдек Обихаёт, Мўминобод, Чоршанбе каби сув йўллари ва шунга ўхшаш мураккаб иншоотларни барпо этишда қатнашиб, бу соҳанинг малакали мутахассиси сифатида фаолият кўрсатиб келаётганига қарамасдан, энди бу ерда, Қарши даштида қуриладиган бўлғувси сув иншоотларининг лойиҳасини кўздан кечираркан, ҳайрат ва ҳаяжонини яшириб ўтирмас, уларга бундай катта ва масъулиятли вазифа ишониб топширилганидан ҳатто фахрланиб қўяр, ишни жадаллаштириш, айти пайтда унинг сифатли бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўрарди. Ахир, бу ерда қурилажак сув иншоотлари бутунлай бошқача бўлиб, ҳали тажрибада кузатилмаган эди-да.

Бу, албатта, ўз-ўзидан маълумки, ҳар бир мутахассисдан, ҳар қайси касб эгасидан, ҳар бир ишчидан ўта маъсулият билан меҳнат қилишни, виждонан ишлашни талаб этарди. Ана шу жойда илк бора “ОП 10-260” ва “ОП 11-260” русумидаги насосларнинг агрегатларини ўрнатиш ҳамда ишга тушириш мўлжалланди. Шу дамга қадар жаҳоннинг бирон-бир давлатида бундай қудратли техникадан фойдаланилмаган бўлиб, биринчи марта Қарши чўлида қўлланилмоқда

эди. Москва гидролойихачиларининг Куйбишев шаҳрида иш олиб борган ҳамкасблари томонидан тайёрланган лойиҳа асосидаги бу мураккаб насос агрегатлари "Уралгидромаш" заводида ишлаб чиқарилди ва чўлқуварларга етказиб берилди.

-Бунда Е.С. Гольдман, Г.К.Костюченко, О.К.Зигле, З.И.Запертова каби лойиҳачи-муҳандисларнинг хизмати салмоқли бўлди, - дея эслайди Тойир Эргашев, уларнинг номини ҳурмат билан тилга олиб. - Шунингдек, бу мураккаб ишни амалга оширишда бизга бевосита "Қаршиқурилиш" бошқармасининг бош муҳандиси Н.Г.Каменев, Давлат хўжаликларини қуриш Ўрта Осиё Бош бошқармасининг тажрибали раҳбар-муҳандислари бўлмиш Е.И.Озерский, Г.П.Гайсинский, Я.И.Флигельман ва бошқа мутахассислар яқиндан ёрдам беришди...

Биносининг баландлиги 42 метр, узунлиги 72 метр, кенглиги 24 метр бўлган Биринчи насос станциясини қуриш жараёнида унинг пойдеворини ўрнатиш учун ерости суви сатҳидан 18 метрлик чуқур қавланиб, 980 минг кубметр тупроқ ишлари бажарилди, 65 минг кубметр монолит-бетон ва темир-бетон ётқизилди, 1700 тонна ҳар хил металл конструкциялари сарфланди. Бу ерда 6 та насос агрегати монтаж қилинди, диаметри 3,6 метрли 675 тонна келадиган металл қувурлар ўрнатилди.

Шу сув иншооти қошида кучланишни камайтириб, ток кучини кўпайтириб берадиган ҳар қайсиси 125 минг киловаттли иккита йирик трансформатордан иборат подстанция қурилди. Агар қиёслайдиган бўлинса, бу трансформаторларнинг ҳар бири қарийиб Фарход ГЭСининг қуввати (126 минг киловатт)га тенг эдики, бу подстанция ёрдамида Туркменистон Республикасининг Хўжамбос, Керки, Чоршанги туманларини, Гаурдак олтингургут конини, бўлажак Қизилоёқ гидроузелини ҳам электр қуввати билан таъминлаш кўзда тутилганди.

Айни пайтда бу ерда Қарши бош каналини қазиш, узунлиги 105 метр келадиган битта темир йўл ва иккита автомобиль кўприкларини қуриш сингари юмуш-

лар ҳам амалга оширилди. Бир вақтнинг ўзида қипқизил чўлда, қум барханлари орасида Дўстлик ишчилар шаҳарчаси қад ростламоқда эди.

Чўлқуварлар оғир чўл шароитида ишлашарди. Ёз ойларида жазирама иссиқ тафтидан нафас қайтарди. Баъзан кучли шамол туриб чанг-тўзон кўтарилар, бўрон увиллаганча саҳронинг сарғиш қумларини юзкўзларга келтириб урар, ҳатто юришга ҳалақит берарди. Қишда эса бундан беш баттар эди. Аччиқ изғирин баданга игнадек санчилар, совуқ бутун вужудингни тешиб ўтгудек бўларди.

Бўронли кунларда кўз очиб бўлмаса-да, ҳеч ким ишни тўхтатмасди. Шундай дамларда уст-бошга қараб бўлмас, чанг қуюни осмону фалакка кўтарилиб, яна шовуллаб пастга қуйилар, тишлар орасида қум ғичирларди...

Шундай кезларда ҳам иш олға силжийверди. Биринчи насос станциясини ва подстанцияни қум бошидан асраш мақсадида чор атрофда қамишдан квадрат тўсиқлар қилиб чиқилди. Лекин бу - вақтинчалик чора эди, холос. Қум кўчиши олдини олишнинг бошқа бирор-бир самаралироқ йўлини топиш масаласи ўртага қўйилди. Сўнгра Ленинград ўрмон хўжалиги институтини тамомлаб келган прораб Ш. Анисимованинг ташаббуси билан 20 гектар жойда саксовулзор барпо қилинди...

Чўл - турли миллат, турли касб эгаларини бир оила аъзолари каби дўст тутинтирган, мақсадли меҳнатга чорлаган ҳақиқий ҳаёт мактаби ролини ўтади. Тойир Эргашев шу ҳақда ўй суриб, фикр-мулоҳаза юритаркан, одамларнинг нақадар ҳамфикр бўлганликларини, бир-бирларини қўллаб-қувватлаганликларини, оғир дамларда бу нарса тўла синовдан ўтганлигини ўз тасаввурида яна бир бор жонлантириб кўрди.

У 9-қурилиш-монтаж бошқармасида бошлиқ бўлиб ишлаган ўша дастлабки йилларда катта қийинчиликларга қарамай, каналнинг Амударё соҳилидан тортиб 90 чақиримгача бўлган қисмида тупроқ ишларини адо этишган чўлқуварлар "Қаршиқурилиш" бошқармаси ташкилотлари орасида биринчи ўринни эгаллашди.

Шу масофа оралиғида бунёд этилиши кўзда тутилган ҳар қайси насос станциясининг ўрнидан ўртача 750-800 минг кубметр тупроқ қазиб чиқарилди. 1969 йилда 12 миллион сўмлик (ўша пайтдаги ҳисоб-китоб билан 16 миллион АҚШ доллариға тенг) қурилиш-монтаж ишлари ҳажми бажарилди.

Фалокат оёқ остида деганларидек, ишга тўсиқ бўлувчи воқеалар ҳам юз бериб турарди. 1970 йилнинг 27 май куни Тойир Эргашевнинг хотирасида ўчмас бўлиб ўз муҳрини қолдирди. Ўшанда у 2-қурилиш-монтаж бошқармасига раҳбарлик қилар, улар чўлнинг энг муҳим участкасида - Биринчи насос станциясида қурилиш ишларини олиб боришмоқда эди. Шу куни Тойир Эргашев трест раҳбари билан биргаликда иш юзасидан Туркменистон Республикасининг Керки туманида туман сув хўжалиги бошқармасида бўлиб, соат 14 ларда орқага қайтиб келишаркан, хунук хабарни эшитишди. Номаълум сабабларга кўра, бунёд этилаётган насос станциясида ёнғин юз берган, станция биносининг чап қаноти бўйлаб ўрнатилган тахта қолиплар (баландлиги - 6 метр, эни - 15 метр, узунлиги 60 метр) олов алангаси ичида гуриллаб ёнмоқда эди. Иккита агрегат учун ўрнатилган қолиплар тўла ёниб бўлган, ғарб томондан эсиб турган шамол алангани тобора авж олди-рар, бу ёққа яқинлашишнинг имкони йўқ эди. Шу пайт бир бульдозерчи Тойир Эргашевнинг ёнига югуриб келиб, насосга сув келтирадиган каналдаги тупроқли бандни олиб ташлашни сўради.

-Рухсат бераман, ишга киришаверинг! - деди Тойир Эргашев, бульдозерчининг таклифини маъқуллаб. -Иложи борича тезроқ ҳаракат қилинг!

Бульдозерчи дарҳол иш бошлаб юборди. Қалин қилиб солинган тупроқли банднинг бир чети ўпирилиши ҳаманоқ канал бетиде қалқиб турган сув насос станциясининг бетонлаштирилган аванкамераси томон отилиб оқа бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг, аванкамераларни 3,5-4 метр қалинликда сув босди. Бирдан - бир чора - учинчи ва тўртинчи насос агрегатлари ўртасидан сув олиб, челақлаб бўлса-да, ҳали

ёнгин етиб келмаган қолипларни намиқтириш ва шу оддий усул билан тилсиз ёв-оловнинг йўлини тўсиб қолиш эди. Тойир Эргашевнинг кўрсатмаси билан ҳамма ёнгинни учиршига сафарбар этилди. Одамлар 5-6 қаторлаб туриб олишди ва сувли челакларни бир-бирларига тез-тез узатишиб, қолипларга сепа бошлашди. 150 одам ёнгин билан курашмоқда эди. Ниҳоят аланга сув сепилаётган жойга келиб сўнди. Ҳамма энгил нафас олди. Олов йўли тўсилган эди. Барчанинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши натижасида насос станциясининг кейинги қисми сақлаб қолинди.

-Ҳаммангизга катта раҳмат! - деди Тойир Эргашев ишчиларга ўз миннатдорчилигини изҳор этаркан, ёнгин юз берган томондан кўзини узмай, чуқур хўрсиниб.

Олов шу даражада кучли бўлгандики, ҳароратнинг баландлигидан диаметри 30-40 мм.ли металл арматуралар қизиби, гўё пиширилган макарондек эгри-бугри бўлиб қолган, қуйилган монолит бетоннинг 15-20 сантиметргача бўлган қалинлиги ажралиб пастга тушган, тахта қолиплар бутунлай ёниб кетган эди.

Лекин чўлқуварлар тушкунликка тушишмади. Улар бой берилган вақтни, кўрилган моддий зарарни қоплаш лозимлигини тушуниб, сезиб ва ҳис қилиб, бутун куч ва имкониятларини ишга солган ҳолда кураш бошлаб юборишди.

Биргина ана шу биринчи насос станциясини бунёд этиш учун 65 минг (бошқаларида 56 минг) куб-метр бетон ишлари бажарилди. Бу ҳазилакам иш эмас эди, албатта.

Орадан кўп ўтмай, Тойир Эргашев тагин бир эсда қоларли ҳодисанинг гувоҳи бўлди. Чўлнинг ўжар табиати билан боғлиқ кечган ана шу воқеанинг оқибатини бартараф этишда ҳам одамларнинг ўзига хос жипслиги-ю, матонатли меҳнати яққол кўзга ташланди.

1972 йилнинг ёзида юз берди бу воқеа. Подстанциянинг юқори кучланишга чидамли симларини тортиш учун мўлжалланган металл устунларни ўрнатиш-

га мослаб, чуқурлиги қарийб 3 метр, кенглиги 4x4 метрли ҳандак қазилди. Шанба куни ишдан сўнг, ҳамма дам олгани уй-уйига жўнаб кетди. Душанба куни шу жойга келиб, қазилган ерни топа олишмади. Бир ярим кун ичида қум бўрони ҳаммаёқни остин-устун қилиб, текислаб кетганди... Бироқ чўлқуварлар бундан насос станцияси қурилиши пайтида ёнғин чиққан кундагидек қаттиқ қайғуга ботишгани йўқ, меҳнатлари зое кетган бўлса-да, табиатнинг “инжиқ қилиғи”дан шунчаки кулиб қўйишди, холос. Ва яна ғайрат билан ишлашиб, металл устунларни ўрнатиш учун қайтадан жой ҳозирлашди.

Тойир Эргашевнинг чўлни ўзлаштириш йилларидаги фаолиятдан бунга ўхшаш кўплаб воқеа-ҳодисаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бунинг бари ўзига хос меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлгани ва айтиш жоизки, ибрат мактаби ўрнида тарбиявий аҳамияти борлиги учун ҳам бир умр эсдан чиқмас бўлиб, унинг хотира дафтарини тўлдириб турибди.

Чўл ўзлаштиришнинг дастлабки қийин даврини ишчан ва билимли муҳандис, тадбиркор ва тажрибали раҳбар сифатида дадил босиб ўтган ва энг муҳими - ўзининг одамийлиги, кишиларга ғамхўрлиги билан кўпчилик орасида эътибор қозонган Тойир Эргашев 1973 йилнинг ёзида „Сувқурилиш“ трестининг бош муҳандиси этиб тайинланди. Зиммасига янада юксак масъулият тушганини, энди у ягона бир участка учун эмас, балки Қарши бош каналининг Амударёдан Қашқадарёгача бўлган асосий қисмида барпо қилиниши кўзда тутилган бутун бошли йирик сув иншоотлари қурилиши бўйича жавоб бериши, бош муҳандис сифатида кенг кўламли катта ҳажмдаги ишларни ташкил эта билиши ва тўғри йўлга қўя олиши лозимлигини ҳис этиб турарди. Бу унинг қўриқдаги катта кураш майдонига кириб бораётганидан дарак бермоқда эди.

ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР

Трест жамоасини олдинда ҳали улкан вазифалар кутиб турар, каналнинг асосий бош қисмида 6 та қудратли насос станциясини бунёд этиш, бу катта сув йўлини бетонлаштириш, темир йўл ва автомобиль кўприklarини қуриш, бошқа шу каби иншоотларни барпо қилиш зарур эди. Энди бош муҳандиснинг хатто бош қашишга қўли тегмай қолди.

Тойир Эргашев қурилиш ишлари кун сайин қизиқ бораётган участкаларни бирма-бир кўздан кечириб чиқаркан, дам насос станцияларини қураётганлар олдида, дам канални бетонлаштирувчилар ҳузурида пайдо бўлар, бу ердаги иш жараёни билан танишар, унинг суръати ва сифатига эътиборни қаратар, бошқармаларнинг муҳандислари, участкаларнинг бошлиқлари ва бошқа мутасадди мутахассислар билан галдаги муаммоларни ҳал қилиш юзасидан фикрлашиб олар, уларга зарур маслаҳатларини берар ва ишчилар, насос агрегатларини ўрнатувчилардан ҳолаҳвол сўрар, уларнинг дам олиши, овқатланиши, соғлиғи, оилавий шарт-шароитию, маоши билан қизиқар, кейин бу ердаги кўп қиррали ишларнинг келгуси кунлардаги режасини хаёлида хомчўт қилиб чиқар ва шундан сўнг, ишни янаям жадаллаштирувчи қандайдир муаммони ҳал қилиш учун қаёққадир шошганча жўнаб кетарди.

Шундай қилиб, 1973 йил кўкламининг ўрталарига бориб, Биринчи насос станциясида қурилиш ишлари деярли ниҳоясига етиб қолди. Бундан ташқари, Қарши бош каналининг Биринчи насос станциясидан Олтинчи насос станциясигача бўлган 56 чақиримлик қисми бетонлаштириб чиқилди. Айрим кунлари 3200 кубметрга қадар бетон ишлари бажарилди. Айна пайтда иккита темир йўл ва тўртта автомобиль кўприklари, учта сел сувлари ўтувчи ва Миришкор каналига сув ўтказиш иншоотлари қуриб битказилди.

Хаёлни бутунлай қуршаб олувчи дақиқаларни Тойир Эргашев бугун ҳам аллақандай энтиқиш билан ёдга олади. Ўша 1973 йилнинг 30 апрели, Қарши бош ка-

налининг биринчи дарвозаси ҳисобланган Биринчи насос станциясини ишга тушириш онлари, яъни қудратли агрегатларни илк бора синовдан ўтказиш лаҳзалари бир умр эсда сақланиб қолди. Бундан бир неча ҳафта бурун сув кўтариб берувчи ана шу агрегатларнинг биттаси шунчаки юргизиб кўрилган, энди эса сув билан синовдан ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, ўша куни ҳамма нарса тахт қилиб қўйилганди.

Бундан бир неча кун олдин бу ерга ташриф буюришган “Қаршиқурилиш” бошқармасининг бошлиғи Ҳабибулла Шоғазатов, бошқарма бош муҳандиси Николай Каменев, шу ишга бевосита дахлдор бошқа мутахассислар тайёр ҳолга келтирилган насос станциясининг ҳамма ерини бирма-бир кўздан кечириб чиқишаркан ва бу ердаги ишларнинг барчаси жойида эканлигига тўла ишонч ҳосил қилишаркан, Қарши даштининг турли миллату элатлардан таркиб топган кўпминг кишилик чўлқуварлари орасида ўзининг ишчанлигию қатъиятлиги, бир сўзлигию, одамийлиги, раҳбарга хос мулоҳазакорлигию тадбиркорлиги ва яна қатор фазилатлари билан обрў-эътибор қозонган Ҳабибулла Абдумажидович кечаю-кундуз ана шу ишларнинг бошида туриб, трест бош муҳандиси сифатида бу катта қурилишга бевосита етакчилик қилган Тойир Эргашевга ички бир қувонч назари билан қараб:

-Раҳмат сизларга! - деди миннатдор оҳангда. - Ҳаммангизга катта раҳмат!... Агрегатларни синаб кўриш - бу катта воқеа. Бу воқеани гўё тўйдек қилиб, бир умр эсда қоладиган даражада ўтказиш лозим. Токи барча одамлар, бу ишда ҳиссаси бор ҳар бир киши бутун ҳаёти давомида буни эслаб юрсин. Кейин ҳам бу катта меҳнат ҳақида ўзидан кейинги авлодга, фарзандларига, неварая, чевараларига сўзлаб берсин. Бир пайтлар аجدодларимиз томонидан яхши ниятда тўқилган афсонаю-ривоятларнинг бугунга келиб рўёбга чиққанлигига, хаёлнинг ҳақиқатга айланганига уларни ишантиришсин ва бу билан ёш авлодни ана шундай меҳнатсеварликка чорлашсин. Бунинг тарбиявий аҳамияти катта, ахир!

-Албатта, - деди Тойир Эргашев ҳам ички бир хаяжон билан, бошқарма бошлигининг гапларини маъқуллаб. -Бу воқеани эсда қоларли қилиб ўтказамиз...

Ростдан ҳам агрегатлар синовдан ўтказиладиган кун ҳақиқий тўй тусини олди, бу катта байрамга айланиб кетди.

Шу куни бу ерга кўплаб мутахассислару меҳмонлар, раҳбарлару ишчилар ташриф буюришди. Улар орасида лойиҳачилар, буюртмачилар, монтажчилар, жиҳозларни тайёрловчилар, "Қаршиқурилиш" бошқармасининг вакиллари, давлат хўжалиklarини қуриш ва суғориш Бош бошқармаси бошлигининг муовини Г.П.Гайсинский ва бошқа масъул ходимлар бор эди.

Бу яқин атрофда аҳоли яшамаётган бўлишига қарамай, бу ерга ҳатто ўн беш-йигирма чақирим наридан ҳам одамлар келишганди. Тахминан 450-500 кишининг нигоҳи бир неча дақиқалардан сўнг рўй бериши кутилаётган муҳим тарихий воқеага - қадимий ўжар Жайхун сувининг бепоён Қарши чўлига томон тезроқ йўналтирилишига қаратилган бўлиб, ҳамма нафасини ичига ютиб, қудратли насос агрегатларининг гувиллаб ҳаракатга келишини интизорлик билан кутмоқда эди.

Ускуналарнинг тўғри ўрнатилганлигини текшириб созлаш ва ишга тушириш бошқармасининг бош муҳандиси - ўз ишининг билимдони М.И.Муродов соат йигирма икки яримларда "Қаршиқурилиш" бошқармасининг бош муҳандиси Н.Г.Каменевга бу ердаги барча ишларнинг шайлиги ҳақида қисқача ахборот берди.

-Демак, - деди Николай Георгиевич жиддийлик билан, - бошласак бўлади, шундайми?

-Албатта! - жавоб қилди Муродов ишончли овозда. Насос агрегатларини ҳаракатга келтириш учун фақат ишга тушириш тугмачасини босишгина қолган.

Ҳамма нафасини ичига ютиб турибди. Худди шу маҳал лойиҳачи-муҳандис Е.С.Гольдман Тойир Эргашевнинг ёнига келди-да, ярим ҳазил, ярим чин оҳангда сўз қотди:

-Сув булқ-булқ қилиб, юқорига кўтарилмаса-я, нима қиламиз унда, а?

-Бошқасини билмадим, - деди Тойир Эргашев, унинг саволига дарҳол жавоб қиларкан, - лекин сизларнинг лойиҳангизга асосан иш кўрганмиз.... Менимча, сув кўтарилиши керак!

-Шундай, шундай! - деди Евгений Саломонович, ёнидаги Тойир Эргашевга аллақандай умид ва ишонч назари билан боқиб, унинг фикрини қувватларкан. - Сув албатта кўтарилиши керак!

Муродов ускуналарни яна бир марта текшириб чиқиб, насос агрегатлари ишга тушгандан кейин ҳосил бўладиган барча кўрсаткичларни қайд этиб борадиган асбоб - "акселератор"ни ҳам ўрнатиб бўлгач, ўрта бўй, жуссадор, сочлари оппоқ Каменевга қараб: "Николай Георгиевич, биз тайёرمىз, бошлашга рухсат этинг!" - дея мурожаат қилди.

Кўлларини орқасига қилиб, у ёқдан-бу ёққа бетоқат юриб турган бошқарма бош муҳандиси таққа тўхтаб, ҳаммага бир-бир қараб оларкан, аллақандай кўтаринки кайфиятда қатъий овоз билан:

-Бошла!-деди.

Тугмача босилиши биланоқ ҳаммани ҳайратга солиб, белгиланган агрегат гувиллаганча ишлаб кетди. Орадан икки-уч дақиқалар ўтар-ўтмас сув тепага кўтарилиб, юқоридаги канал орқали оқа бошлади. Одамлар бирдан қийқириб юборишди. "Ура-а!" садолари янгради.

Бундай онларда инсон қалбини аллақандай ҳаяжон, қувонч ҳисси қамраб олади. Шу топда Тойир Эргашев анчадан буён елкасини босиб турган оғир юк пастга қулагандай ўзини қушдек енгил сизди. Канал қирғоқларига урилиб, қалқиб-қалқиб бораётган сувга узоқ термулиб турди. Сувнинг кўтарилганини кўриб, бу ерга йиғилганлар бир-бирларини узоқ кутилган ғалаба билан, катта ва машаққатли меҳнатнинг илк самараси билан табриклаша бошлашди.

Қалб ҳаяжонга тўла бундай лаҳзаларда киши сўзлай олмайди. Уларда ҳам шундай бўлди. Фақат

кўзлардан беихтиёр севинч ёшлари оқмоқда эди. Одамларнинг асрлар мобайнидаги орзуси ушалган, Амударё суви қақраб ётган қўриққа томон силжиб борарди...

ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Карши бош каналининг Амударё сувини юқорига кўтариб берувчи қисмида асосий ишлар ниҳоясига етказилгач, одамлар 1973 йилнинг 1 июнида тагин бир муҳим воқеанинг - ҳозирги Миришкор канали ишга туширилишининг гувоҳи бўлдилар...

Чўлқуварлар олдида турган галдаги вазифа - бош каналнинг қўриққа сув элтувчи асосий ишчи қисмидаги кўпқиррали ишларни бажаришдан иборат эди. Шу сабабли зудлик билан ишчи кучлари, техника ва механизмларнинг асосий қисми шу ёққа тўла сафарбар этилди. Бир йилча вақт ичида бош каналнинг Қашқадарёга қадар бўлган 86 чақиримлик қисмидан 22 чақирими бетонлаштирилди, 3 та сувтўсувчи иншоот, 2 та темир йўл ва 9 та автомобиль кўприклари, канал остидан ўтувчи 10 та махсус қувур, каналдан сув олувчи бир қанча иншоотлар бунёд этилиб, 1974 йилнинг майида Амударё билан Қашқадарёнинг суви туташтирилди.

Энг оғир топшириқ - чўлга сув чиқариш вазифаси шараф билан уддаланган эди. Энди асосий эътибор - қўриқ ерларни ўзлаштиришни жадаллаштиришга қаратилди.

Шу мақсадда 1974 йилнинг сентябрида ер очиш, экинзорларни суғоришга мўлжалланган кўтарма темир-бетон новларни ўрнатиш, хўжаликлараро ва ички хўжалик каналларини қуриш ҳамда бетонлаштириш бўйича ихтисослашган олтита Механизациялашган ишлар бошқармаси ва иккита Механизациялашган кўчма идорани ўз таркибига бириктирган "Сувқурилиш" трестига Тойир Эргашев раҳбарлик қила бошлади.

Тасдиқланган бош лойиҳага кўра Қарши дашти ерларини асосан уч қисмга бўлиб, босқичма-босқич

ўзлаштириш кўзда тутилганди. Қашқадарёнинг чап қанотидаги аҳоли зич жойлашган майдонлар шартли суғориладиган унумдор ерлар ҳисобланиб, бу биринчи қисм 206 минг гектарни ўз ичига олганди. Иккинчи қисм эса дарёнинг ўнг қаноти бўйлаб ястаниб ётган 167 минг гектар майдонни ташкил этарди. Шу иккала қисмдаги бўз ерларда кенг кўламли ишлар ниҳоясига етказилгач, ўзлаштиришнинг учинчи навбатига ўтиш режалаштирилган эди.

Бу ишлар пухта ўйланган ва ишлаб чиқилган мукамал лойиҳа бўйича ҳамда тўлиқ молиялаштирилган сметага кўра қатъий режа асосида давом эттирилди. Ва чўлқуварларнинг саъй-ҳаракати туфайли қўриқнинг 250 минг гектар ер майдони экинзорларга айлантирилди. Сув келтириш ва ерларни ўзлаштириш натижасида бу жойларда Нишон, Касби, Баҳористон, Усмон Юсупов, Муборак каби бешта қўриқ тумани вужудга келди. Вилоятнинг олдиндан мавжуд бўлган чўлга ёндош Қарши ва Косон туманлари ҳудуди янги очилган ер майдонлари ҳисобига кенгайтирилди. Ўзлаштирилган ерларда ҳар бирида 4-6 минг гектар майдони бўлган 55 та қўриқ хўжалик ташкил топди. Бунинг эвазига воҳанинг иқтисодий қудрати юксалиб борди. Қашқадарё Ўзбекистонда энг кўп суғорма ер майдони (12 фоиз)га эга бўлган ва пахта, дон, мева, полиз, сабзавот ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштирувчи етакчи вилоятлардан бирига айланди.

ФИДОЙИЛАР

Бу - афсона ёки аллақандай эртак эмас, албатта. Бунинг бари сув қурилиши муҳандиси Тойир Эргашев ва унинг юзлаб, минглаб ҳамкасблари иштирокида, уларнинг кўзи ўнгида юз берди. Ахир, Тойир Эргашев меҳнат фаолиятининг дастлабки ўн йили вилоятдаги биринчи сув иншоотлари қурилишларида ўтган бўлса, бунинг асосий қисми - йигирма олти йили бевосита Қарши чўлини суғориш ва ўзлаштиришдек ниҳоятда кенг жабҳали мураккаб ишлар

билан боғлиқ ҳолда кечди. У чўлнинг иккинчи навбат қисмини ўзлаштириш муносабати билан ташкил этилган "Қаршисуғоришқўриққурилиш" бирлашмасида бир муддат бош муҳандис сифатида фаолият кўрсатгач, вилоят раҳбариятининг таклифи ва тавсияси билан "Қаршиқурилиш" ҳудудий бошқармасининг бош муҳандиси этиб тайинланди... Тойир Эргашев бу вазифада 1981 йилдан 1994 йилга қадар самарали иш олиб борди. Бу орада Қарши чўлида унинг бевосита раҳбарлиги остида мураккаб муҳандислик ишлари амалга оширилди, қўриқда янги ташкил топган туманларнинг ва қатор хўжаликларнинг марказий қўрғонларини, ишчи шаҳарчаларини, мактаб, болалар боғчаси, касалхона, савдо шохобчалари, маданият саройлари, маиший хизмат уйлари, саноат корхоналарини ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларини қуриб битказиш билан бир вақтнинг ўзида Еттинчи насос станцияси, Талимаржон сув омбори, зах сувларни йиғувчи ва четга чиқариб ташловчи Шимолий ҳамда Жанубий коллекторлар, Султонтоғ, Сичон кўл сингари зах сувларни тўпловчи хавзаларнинг дарвоза ва тўсиқлари каби иншоотлар бунёд этилди, Қарши- Амударё, Бешкент-Касби-Миришкор, Зеварда-Қоровулбозор каби юзлаб чақирим автомобиль йўллари ишга туширилди.

-Оғир ва машаққатли кечган бўлса-да, ўша дамларни ҳозир ҳам аллақандай орзиқиш ва хушқайфият билан ёдга оларканман, ўзимни анча енгил сезаман, - дейди Тойир Эргашев сал ўйчан, сал ғурур билан. - Негаки, ҳамма нарса оддий ва соф эди. Буйруқбозлик, дабдабабозлик каби сохта муомалалар бу ерда ўтмасди. Ишчи ҳам, раҳбар ҳам - ҳамма бир хил эди. Ҳар ким ишни, эртани ўйларди. Шунинг учун ҳам бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилишарди. Шу боис ҳам биз ҳар қандай муаммоларни ечишга, қийинчиликларни енгиб ўтишга қодир эдик, ҳамма соҳада ғалаба қилиб, ғолиб чиқардик...

Тойир ака ҳақ. У кишининг ўзи тўғри таъкидлаганидек, бу ерда бой тажриба, катта ташкилотчилик ва тадбиркорлик муҳим роль ўйнади. Мана, орадан шун-

ча йиллар ўтиб, ўзининг чуқур билими, бой ҳаётий тажрибаси, ҳалол-покиза меҳнати билан кўриқ очишнинг ҳақиқий қахрамони тимсоли сифатида эл-юртнинг чексиз ҳурмат-эътиборини қозонган бу камтарин инсон бугун шу тўғрида мулоҳаза юритаркан, Қарши даштини суғориш ва ўзлаштиришнинг ўша қийин дамларида бирга ишлаган Ҳайдар Ҳамроев, Василий Лазурин, Владимир Тушин, Ҳабибулла Шоғазатов, Николай Каменев, Бегалек Овезов, Ёмғир Санаев, Виктор Стельмах, Сулаймон Муродов, Эркин Турсунов, Султон Чегебоев, Неъмат Шукуров, Шухрат Бегматов, Омон Суяров, Мусо Муродов, Сойиб Усмонов, Исом Жалилов, Василий Степаненко, Усмон Ашуров, Ғайбулла Сағдиев, Рўзи Ўроқов, Ислом Муродов, Эсон Ражабов, Муртоз Шарипов, Мамадиёр Шарипов, Хушвақт Жавлиев, Ёқуб Ҳайитов, Геннадий Цуриков, Омон Дўлатов, Павел Пак, Сафо Азизов, Эркин Мирзаев, Озод Саидов, Зиёдулла Бегимқулов, Ойбек Эгамов, Ибройим Набиев, Наби Аҳмедов, Анвар Муротов, Анвар Шукуров, Ибрат Зайнутдинов, Маҳмуд Деушев, Абдурахмон Худойназаров, Ҳайдар Нигматбоев, Владимир Тен, Ҳабиб Файзуллаев, Қодир Мажидов, Убайдулло Исмоилов, Файзулла Эргашев, Рафаэл Файзиев, Раҳим Ҳалимов, Рўзи Қаҳҳоров, Собир Боймиров, Рўйиддин Ҳикматов, Қудрат Рўзиев, Абдурахмон Набиев, Маматқул Ражабов, Убай Суннатов, Мурод Пўлатов, Абдулхай Маҳмудов, Рўзиқул Раҳимов, Жамил Шукуров, Рўзи Пўлатов, Файзулло Маманов, Бахтиёр Элмирзаев, Хошимжон Лукмонов, Рустам Очилов каби раҳбар ходимларнинг, сув хўжалиги иншооти, саноат ва уй-жой қурилиши муҳандисларининг, жамоат ташкилотлари ва маънавий-маърифий соҳа мутахассисларининг, автотранспорт ва савдо хизмати кадрларининг, шунингдек Абдуллаев, Валиев, Бобоев, Жумаев, Бабийчук, Федяев, Гримайло, ака-ука Бабақлар, Турубицин, Бурлаков, Шевцов, Мельников, Неклюдов, Коваленко ва бошқа ўнлаб механизаторларнинг, Алексей Дробний, Худойқул Шойимов, Мейли Ҳакимов, Элмурод Қалқонов, Эргаш Норқулов, Рўзи Мустафоқулов, Неъмат Икромов, Зойир Қодиров, Иноқ Шаропов, Йўлдош Са-

лимов сингари юзлаб ишчиларнинг номларини мамнуният билан тилга олади.

Бир нарса Тойир аканинг сира ёдидан чиқмайди. Бир пайтлар "Қаршиқурилиш" бошқармасининг шижоатли ва ишбилармон раҳбари сифатида гоят катта ҳурмат қозонган Ҳабибулла Абдумажидович Шоғазатов тўғри қайд этганидек, эзгу ишлар йўлида қилинган меҳнат асло унутилмайди. Бу эса, аксинча, ҳеч шубҳасиз, ёш авлодни меҳнатсевар, инсонпарвар, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳа, чўлдаги меҳнат беиз кетмади. Асрлар давомида қақраб ётган бенаво дашт одамлар меҳнати билан тириклик манбаига, ҳаёт нафаси уфуриб турган обод масканга айланди. Ҳар бир куни, ҳар бир лаҳзаси жасорату матонат билан боғлиқ ҳолда кечган чўлқуварларнинг фидойи меҳнати асло эътиборсиз қолдирилгани йўқ. Кўплаб кишилар ҳалол меҳнати эвазига қатор мукофотларнинг соҳиби бўлишди, эл-юрт назарига тушишди, обрў-эътибор топишди. Энг муҳими - улар бу катта ҳаёт мактабида яшаш ва кураш илмини ўрганишди, бунёд этиш, яратиш сабоғини олишди, дўстлик ва жипслик, одамийлигу ҳалол-покизаликнинг маъносини тушуниб етишди.

Минглаб ғолиб чўлқуварларнинг бири сифатида бу катта кураш майдонига кирган Тойир Эргашев ҳам ўзининг ҳалол меҳнати эвазига мамлакатнинг ордени ва медаллари, фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор" унвони соҳиби, "Сув хўжалиги аълочиси" нишондори бўлди. У киши 2000 йилда мустақиллик йилларидаги ибратли хизмати учун "Меҳнат шуҳрати" орденини олди...

**Эл кайвониси, юртпарвар, фидойи инсон
Тойир Эргашев ҳаётидан суратли лавҳалар**



1-насос станцияси қурилишида Тойир Эргашев
(чапдан иккинчи) Шароф Рашидов, Рўзимат Ғойибов
ва бошқа раҳбарлар билан.



Тойир Эргашевнинг
онаси Салвар момо
Эргашева



Тойир Эргашевнинг
катта акаси Убайдулло
Эргашев



Тойир Эргашевнинг
урушдан қайтмаган
акаси Дашкул Эргашев.



Тойир Эргашевнинг
ўртанча акаси Нурулло
Эргашев.



Тойир Эргашевнинг
укаси Зойир
Эргашев.



Тойир Эргашев
минбарда



Тойир Эргашев-
нинг устози
Николай Каменов



Тойир Эргашев ва турмуш ўртоғи Меҳмон опа
Муродова фарзандлари билан.



Тойир Эргашев (ўртадаги қаторда чапдан биринчи) бир гуруҳ дўстлари орасида.

Аслида инсон мукофот ёки шон-шуҳрат учун яшмайди, балки ёрқин истиқбол ва эл-юрт олдигаги инсоний бурчи учун курашади. Қолган ҳамма нарса унинг фидойилигию, меҳнатига қараб баҳоланади. Тойир Эргашевнинг меҳнати эса унинг олган мукофотларига муносиб эканини у билан ёнма-ён ишлаганлар яхши билишади. Лекин Тойир аканинг ўзи гап мукофотда эмаслигини тушунади. Ҳамма вақт бир нарса устида ўйлайди, ўзича мулоҳаза қилади. Инсон ҳаётдан ўз ўрнини топа олдими, виждони олдида покми, ўзини бахтли санай оладими? Ватани, дўсту биродарлари, фарзандлари, устозу шогирдлари олдидан юзи ёруғми? Ҳамма гап ана шунда...

УСТОЗЛАР ВА ШОГИРДЛАР

*Нимани касб этсанг - хунаринг шудир,
Уни маҳкам тутсанг, бил, заринг шудир.
Донолар сўзига хўп амал қилсанг,
Гар уни эл учун ишлата билсанг,
Давлату обрўинг ошиб зиёда,
Сендан бахтли инсон бўлмас дунёда.*

Дарвоқе, устозу шогирдлар ҳақида икки оғиз сўз. Унда меҳнатни билим билан боғлаган ҳолда олиб бориш иштиёқини уйғотган зот ким? Шу тўғрида ўйлаганда, Тойир аканинг кўз ўнгида биринчи бўлиб Чўли бобо гавдаланади. Чўлга туташ жойлардан илк бор янги ер очган ва пахта, дон эккан, мевазор боғлар яратган басавлат ўша кекса мироб, донишманд деҳқоннинг оталарча ғамхўрлиги, “Сенлар албатта ўқиб, маълумотли бўлиб келишларинг керак” дея қайта-қайта қилган насиҳатомуз сўзларию, умид билан боқиб турган кўзлари ҳамон унинг ҳаёлида жонланиб туради.

Кейин улар мактабни тамомлаган куни битирувчи ёшларни ҳузурига чорлаб, ҳамма билан очилиб-ёзилиб суҳбат ўтказган ва сўнгра ачингансимон қиёфада сўзлаб, “Туманимизда атиги биттагина олий маълумотли мутахассис бор, сизлар ўқишларингиз ло-

зим, биз ўқимишли кишиларга, айниқса сизлардек ёшларга муҳтожмиз", дея уларни олий ўқув юртларига бориб таҳсил олишга ундаган Қарши туманининг ўша пайтдаги биринчи раҳбари Қаҳҳор Йўлдошевнинг жиддий қиёфаси Тойир Эргашевнинг хотирасида бир умр ўрнашиб қолган.

Ана шулар билан бир қаторда, уни бу касбни танлашга ундаган яна бир инсон борки, Тойир ака ундан бир умрга миннатдор бўлиб юради. Уларнинг қишлоғида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган, Убайдулло акаси билан кун бўйи далаю-дашт кезиб, нималарнидир ҳисоблаб қоғозда қайд этиб борган ўша талаба корейс йигитининг "Убайдулло, укангни Тошкентга ўқишга юбор" дегани, сўнг унга қараб: "Хўш, ўқийсанми, у ерда катта олимлар бор, улардан кўп нарсани ўрганасан" дея ўзбекчани галати талаффузда айтган сўзлари, хушчақчақ кайфиятдаги қисик кўзларини, очиқ чеҳраси Тойир Эргашевнинг куни кечагидек ёдида.

Ростдан ҳам унинг айтганлари ҳақиқат бўлиб чиқди. Тошкентда ажойиб инсонларни учратди, устоз дейишга арзигулик олимларнинг дарсини тинглади. Академик Қори Ниёзийдан олган сабоқлари-чи? Бу бағри кенг улуг алломанинг донишмандларча қилган насиҳатлари ҳамон қулоғи остида жаранглаб турибди.

Ҳа, Тойир ака устоздан ёлчиган одам. Бахти шундаки, Тойир ака чўлқуварлар сафига келиб қўшилгач, чуқур билим, бой тажриба ва катта инсоний фазилатга эга бўлган кекса муҳандис Николай Георгиевич Каменев билан бирга ишлаб, ундан кўп нарсаларни ўрганди. Биринчи галда - бағри кенгликни, ёшларга нисбатан гамхўрликни, тўғри сўзликни, мулоҳазакорликни, камтарликни, ҳалол-покиза меҳнат қилишни...

Кейин аста-секин Тойир акадан ҳам ниманидир ўрганадиган бўлишди, бора-бора у ҳам ёш муҳандисларнинг, ўзи билан ёнма-ён ишлайдиган кўплаб мутахассисларнинг маслаҳатгўйига, уларнинг камтар устозига айланиб қолди. Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг "Ҳунарни асрабон нетгумдур охир, олиб

туфроққами кетгумдур охир” деган машхур байтининг маъносини чуқур англаб етган ва буни қалбига жо қилиб олган Тойир ака ўз соҳаси, касб-кори бўйича ниманики ўрганган ва ўзлаштирган бўлса, шунинг ҳаммасини ёшларга, касбдош дўстларига ўргатишни, улардан ҳеч нимани аямасликни ўзининг устозлик, қолаверса инсоний бурчи деб билди.

Тойир аканинг шогирдлари бугунги кунда халқ хўжалигининг турли жабҳаларида самарали меҳнат қилишмоқда. Чўлга келиб иш бошлаган дастлабки дамларда Қурилишни механизациялаш бошқармасига, сўнгра кўп йиллар давомида “Мелиоқурилиш” трестига раҳбарлик қилган ва даштда янги ерларни очиш, мелиорациялаш ҳамда суғориш, йўл ва кўприкларни қуриш каби қатор юмушларни бажаришда фаол иштирок этган ва кейинчалик, айниқса, мустақиллик йилларининг қийинчиликларга тўла кунлариданоқ Қарши туманига ҳокимлик қила бошлаган Сайфулла Хайруллаев Тойир акани ўзининг устози сифатида ғоят қадрлаб келади. Худди шунингдек, Қарши даштини ўзлаштириш ва суғоришнинг биринчи ҳамда иккинчи навбати даврида қатнашиб, кўп йиллар 23-механизациялашган кўчма идорани, кейин “Зовурқурилиш” трестини бошқарган ва бир неча йил Чирокчи туманига раҳбарлик қилган Мустафо Темиров ҳам Тойир аканинг шогирдларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунда “Мелиоқурилиш”, “Зовурқурилиш”, “Сувқурилиш”, “Қаршиирмонтаж” очиқ ҳиссадорлик жамиятларининг бошқарув раислари сифатида фаолият кўрсатиб келишаётган Тойир Турсунов, Ҳаким Худойназаров, Аҳад Турсунов, Вадим Филиппович Хникин сингари муҳандис-раҳбарлар қурилишнинг айрим муаммолари юзасидан бугун ҳам Тойир Эргашевдан тез-тез маслаҳатлар олиб туришади.

Ҳа, Тойир аканинг иқтидорли шогирдлари рўйхатини давом эттириш мумкин. Улар орасида Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари бошқармаси бошлиғи Ботир Раҳимов, “Қарши уй қурилиш” ОАЖнинг раиси Курбон Мустафоқулов, Қарши автокорхонасининг раҳ-

бари Шавкат Ашуров, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давсувхўжаликназорат" Давлат инспекцияси Қашқадарё вилоят бўлимининг бошлиғи Рустам Рўзибоев, шунингдек аввал "Қаршиқурилиш" бирлашмасида бош муҳандис, сўнгра Қарши шаҳар ҳокимининг ўринбосари вазифаларида ишлаган Мурод Шаропов, "Қўриққурилиш" ОАЖнинг бош муҳандиси Фафур Мейлимурадов, "Қурувчи" жамоа корхонасининг бошлиғи Бўри Файзиев, бир неча йил "Сувқурилиш" трестини бошқарган Раҳматулла Менгликулов, Икром Юсупов, мазкур трестнинг бош муҳандиси бўлиб ишлаган Равшан Нормурадов, "Қаршиқурилиш" бирлашмасида Ишлаб чиқаришни ташкил этиш бошқармасининг бошлиғи ва кейин бирлашма бош муҳандиси сифатида фаолият кўрсатган Олег Андреевич Закарчевский, мазкур бирлашма бош муҳандисининг ўринбосари бўлиб кўп йиллар ишлаган Шавкат Бурнашев ва бошқа ўнлаб муҳандислар бор.

Улар Тойир Эргашев билан ёнма-ён ишлаш жараёнида ўз касб-корининг билимдони бўлган бу бағри кенг инсондан озми-кўпми ҳарқалай яратиш ва бунёд этиш, яшаш ва кураш, чиниқиш ва товланиш илмини ўрганишди. Ҳаммаси бўлмаса-да, "Устоз ва шогирд ҳамкорлиги" мактабини тўла ўтаган муҳандисларнинг кўпчилиги кейинчалик ҳам инсоф ва диёнат юзасидан иш кўриб, эл-юрт назарига тушган мутахассислар бўлиб етишгани учун Тойир ака ҳамон ўзининг ҳамкасб дўстлари сифатида уларнинг ҳурматини жойига қўяди, иш жараёнида уларга ниманидир ўргатганидан ўзича фахрланиб юради.

Бундай фахр-ифтихорнинг асл маъноси нима? Умрнинг безанишими? Инсоннинг ўз ҳаётидан қониқиш ҳиссини туйишими? Орзу-умидларнинг ушлашими? Узоқ кутилган бахтми? Эҳтимол шундайдир. Одамзод тўғилиб, вояга етиб, ақл-фаросат билан ҳаёт кечираркан, орзу-ўйларининг ушалишини истади, шу мақсадда касб танлайди, ўқиб-ўрганади, билимини ва тажрибасини ошириб боради, тинимсиз изланишлар қилади, ҳаётдан ўз ўрнини топиш учун курашади.

Тойир Эргашев ана шундай йўлдан бориб, излаганини топди. Инсон учун, Тойир ака каби камтар, инсонпарвар ва адолатпарвар, диёнатли ва ҳалол-покиза устоз учун бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми, ахир?

Бахт сўзининг тушунчаси аввало нисбийдир ва шундай бўлиб қолаверади. Лекин одамзоднинг ҳаётдан ўз ўрнини топа олиши, бу -ҳар бир инсон учун асл маънодаги бахтдир.

ОДАМИЙЛИК ҲАҚИДА СЎЗ

*Ҳар қандай меҳнатнинг захмати бўлар,
Ҳалол яшамоқнинг ўз бахти бўлар.
Аслида бу сўзнинг маъноси шуки:
Элдан ёғилажак раҳмати бўлар.*

-Ха, одамзод учун энг катта мукофот ва чин маънодаги бахт - бу унинг меҳнати эвазига эл раҳматини олиш экан, шак-шубҳасиз, Тойир Эргашевнинг ибратли ҳаёти буни яққол кўрсатиб турибди. Катта-кичик йиғинларда, ўзаро гурунгу суҳбатларда инсон меҳнати, ўз касбининг фидойилари ҳақида гап борганда, албатта, таниқли муҳандис Тойир аканинг ажойиб фазилатларини тилга олишади ва аввало ҳамма у кишининг оддийлиги ва камтарлиги, меҳнатсеварлиги ва одамийлиги тўғрисида кўпроқ тўхталади.

Мана, шундан айримлари:

ҲАММАГА ТЕГИШЛИ ГАП

Исом ЖАЛИЛОВ,
**собик “Чўл ўлкаси” газетасининг бош муҳаррири,
уруш ва меҳнат фахрийси:**

-Донишмандлар одамларга қарата: шуни унутмангки, Оллоҳнинг инсонларга эзгулик элтувчи фаришталари бор, дейишган. Бизнинг тасаввуримизда улар поклик ва ҳалоллик тимсоли сифатида ўз аксини топган. Ўз касб-корининг ўта билим-

дони, меҳнатсевар, бир сўзли, инсоф-диёнатли, инсоний ва маънавий қиёфаси тоза, пок бўлган таниқли муҳандис Тойир Эргашевни ана шундай фариштага қиёслагим келади. Тойир Эргашевни ўтган асрнинг эллигинчи йиллари охиридан, ва айниқса, олтмишинчи йилларнинг бошидан буён таниганим учун шундай демоқдаман. Вилоятда сув учун кураш бошланган ўша дамларда мен Қарши шаҳар ҳокимиятида, кейин эса вилоят ижроия қўмитасида раҳбарлик лавозимларида ишлашим жараёнида муҳандис Тойир Эргашев билан тез-тез учрашиб, мулоқотда бўлишимга тўғри келган ва ўшандаёқ бу билимдон, меҳнатсевар инсоннинг тозалигига, одамийлигига иймон келтирганман. Сўнгра етмишинчи ва саксонинчи йилларда ҳам у билан ҳамкорликда ишладик.

Ўшанда мен ўзбек ва рус тилларида чиқиб турган “Қаршиқурилиш” ҳудудий бошқармасининг газетаси бўлган “Чўл ўлкаси”нинг бош муҳаррири эдим. Чўлда ишбилармон муҳандис-раҳбар сифатида аллақачон кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонган Тойир Эргашев билан иш юзасидан мулоқотда бўлиб, бу ажойиб инсонни янада яқиндан танидим ва қайта кашф этдим.

Ўша қизғин дамларда чўлда иш шу даражада жадал давом этардики, бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир касб эгасининг, шу жумладан Тойир Эргашевнинг ҳам бош қашишга қўли тегмас, ҳар қанча ҳориб-толмасин, ҳар қандай муаммоларга дуч келмасин, у бу ҳақда гапирмас, нолиш нималигини билмас, фақат ишдан сўзлар, ҳаммасини олдиндан кўриб, ҳис қилиб, тушуниб иш юритарди. Ахир у зиммасига юксак масъулият борлигини сира унутмас, бунининг бевосита раҳбарлиги остида Қарши бош каналининг дастлабки қисмини қазий ва насос станцияларини қуриш жараёнида ҳам, кейин “Қаршиқурилиш” бошқармасига узоқ йиллар бош муҳандислик қилган кезларида ҳам ҳар қадамда ҳис этиб турди. Баъзан ҳордиқ чиқаришни, бир пас нафас ростлаб олишни ва ҳатто овқатланишни ҳам унутиб қўярди. Лекин шундай бўлишига қарамай, ҳамма вақт ўзини дадил ту-

тишга ва бардам қилиб кўрсатишга уринарди. Унинг бу фидойилиги чўлқуварларни хайратга солар, кўпчилик унингдек бўлишга интилар, шубҳасиз, Тойир Эргашевнинг ана шу ишчанлигию, оддийлиги учун ҳам ҳамма уни ғоят қадрлар ва ҳурмат қилар, унинг ҳар бир топшириғини бажаришни айниқса ёш муҳандислар ўзига шараф деб биларди.

Гоҳида газетага бирор нима ёзиш учун иш юзасидан ўзаро суҳбатлаша туриб, шундай савол берардим:

-Иш жуда кўпми? Қийин бўлмааяптими?

-Иш кўп, - дерди кулиб. -Қийинчиликлар ҳам учраб турибди. Лекин нима десам экан, Исом ака, осон нарсанинг ўзи йўқ-да...

-Ҳа, албатта, - дердим уни маъқуллаб. -Осон ишнинг ўзи йўқ...

-Одамлар ишнинг кўзини кўрқитиб олишди, - дерди сўнг бир оз ўйланиб туриб. -Шунинг учун қийинчиликлар чекинаяпти. Чўлдаги ишимиз кўзга кўриниб бораяпти....

Ўшанда у буни мақтаниш учун айтмади, шунчаки бор гапни оддий тилда, деҳқонча қилиб гапирди. Шу икки оғиз сўзнинг ўзидан Тойир Эргашевнинг меҳнатсеварлигию, оддий инсон эканлигини тушуниб олдим. Ўшандаёқ бу камтар одамнинг ҳалол-покиза меҳнат қилишига, оддий турмуш кечиришига тан берганман...

Биз ҳозир ҳам вақти-вақти билан катта-кичик давраларда учрашиб турамыз. Шундай кезларда биргаликда ишлаган ўша ташвишли, сермеҳнат, серзавқ дамларни эслаб, бошдан кечирган қийинчиликларнинг захматию, бугунги кунларнинг фароғати ҳақида, яхши одамларнинг ибратли ишларию, эндиги турмушнинг ўзгача файзи тўғрисида гурунглашамиз.

Шундай пайтда Тойир Эргашевнинг ҳамон ўша-ўша оддийлигича қолганини, ўша камтар, меҳнатсевар инсонлигича ҳаёт кечираётганини, ўша билимдон, ўша мулоҳазакор муҳандис сифатида меҳнат қилаётганини, "Ўзсувлойиҳа" бирлашмасининг Қашқадарё бўлимини уддабуронлик билан бошқариб келаётга-

нини, ёшларга ҳамон ўз касбининг сирларини ўргатаётганини, уларга ҳаётдан таълим бераётганини ўйларканман, ёш муҳандисларнинг бахти бор экан, дейман ўзимга-ўзим ва бу бағри кенг мураббийнинг, бугун етмиш баҳорни қарши олиб турган ана шу ҳимматли отахоннинг ҳамон эзгу ишлар бошида эканини кўриб, унга тағин бир марта ҳавас билан боқаман. Ана шундагина бунинг ҳаммаси ундаги одабийлик туфайли эканига яна бир бор ишончим комил бўлади.

Ҳа, одабийлик бор бўлсин!

Одамни одамга яқинлаштириб, дўст тутинтириб, кўринмас ришта каби боғлаб турувчи ва ҳаётни ҳаёт қилиб кўрсатувчи, уни севишга ундовчи нарса, аллақандай қудратли куч - инсондаги шу сеҳрли хислатнинг айнан ўзидир.

Шунинг учун бугунги ёшларга қарата: “Сиз ҳаётдан ўз ўрнингизни топмоқни истасангиз, қайси касб эгаси бўлишингиздан қатъий назар, аввало ўзингизда ана шу хислатни - одабийликни шакллантиришга интилинг, шундагина ўзингизни ва ўзлигингизни, сиру синоатларга тўла ҳаётни таний бошлашга қадам қўйган бўласиз”, - дегим келади. Ахир яшамокдан мақсад - кураш эканини, ҳаётни таниш эканини, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилиш, меҳнатнинг кадрига етиш эканини, бу - ҳар бир инсон учун берилган катта имконият эканини улар билиши керак-да.

Буни нафақат ёшлар, балки ҳар бир инсон, у оддий ишчими ёки раҳбарми, ҳамма-ҳамма билиши, доимо ёдда тутиши зарур. Шундагина бир-биримизни тушунган, қадр-қиммат сўзининг мазмунини англаб етган, алданиб ва алдаб юришларга, йўлдан оғишларга чек қўйган, адолат ва ҳақиқатни, инсоф ва динатни таний бошлаган бўламиз.

Тойир Эргашевнинг ибратли ишлари, ҳавас қилса арзигулик ҳаёт йўли баҳона бўлиб, кўпни кўрган бир қария сифатида, барчанинг дилидаги гапни - ана шу фикрларни айтгим келди. Зора бундан ҳар ким ўзига тегишли хулоса чиқариб олса! Эҳтимол, кимгадир бунинг нафи тегиб қолар, деган ишонч мени умидлантириб туради.

ИНСОННИ КАШФ ЭТИШ

Неъмат ШУКУРОВ,
собиқ “Қаршиқурилиш” бирлашмасининг
бошлиғи, меҳнат фахрийси:

Тойир ака ажойиб фазилатли инсон. У кишини чўлда биргаликда ишлаш жараёнида таниганмиз, кашф этганмиз. Бу инсон ҳеч маҳал бировга қаттиқ гапирмаган, ҳеч кимни жеркиб бермаган, ноўрин сўз айтиб, ўзганинг дилини ранжитмаган, десам хато қилмаган бўламан. Ҳа, Тойир аканинг оддий, камтар, меҳнатсевар одамлигига ўшандаёқ тан берганмиз. Бунинг исботи учун битта ҳаётий воқеани эслашнинг ўзи кифоядир.

Чўлда иш қизғин бораётган дамлар. Ўшанда Туркманистон худудида энди қад ростлаётган Дўстлик ишчи шаҳарчасида ишлардик. Бир куни биз, бу ерда ётиб қолиб ишловчилар кечқурун йиғилишиб, палов дамладик. Қўнғироқ қилиб, Тойир акани ошга таклиф этдик.

-Раҳмат, - деди у киши бироз толиққан овозда. - Ҳозиргина ишдан ҳориб қайтдим. Бир пас дам олмақчиман. Узр энди...

-Тойир ака, сизсиз қандай бўларкин? Томоғимиздан ош ўтмайдику...

-Мени паловхонтўранинг буғи чиқиб турган дастурхон атрофида, дея тасаввур қилинглари-да, баҳам кўраверинглари, - деди у киши кулиб жавоб қайтараркан. - Янгангиз бериб юборган нон бор эди. Қотиб кетган экан. Шуни сувда ивитиб, ҳозир еб олдим. Ош бўлсин, олаверинглари...

Биз бундан ажабланмадик. Бу бизни Тойир акага янада яқинлаштирди, у кишини янаям яхшироқ танишимизга ёрдам берди. Тойир Эргашевдан одамларга қандай муомалада бўлиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзни тута билиш, босиқ-вазминлик билан иш кўриш, вазиятни тўғри баҳолай билиш, инсонни таний олиш каби раҳбарлик фазилатларини, тўғри сўзликни, инсоф ва оддийликни, инсонга хос бошқа хислатларни ўрганишга интилдик...

Ёшимиз бир ерга бориб қолган бўлса-да, у кишидан ҳамон ниманидир, яхши нарсаларни ўрганишга ҳаракат қиламиз. Эзгу ишнинг, яхшилиқнинг кечу эртаси бўлмаганидек, одамийликни ўрганишнинг ҳам вақти-соати йўқдир...

УСТОЗ - ОТАНГДЕК УЛУФ

**Ҳаким ХУДОЙНАЗАРОВ,
„Зовурқурилиш“ очиқ ҳиссадорлик
жамиятининг бошқарув раиси:**

Маълумки, 1963 йили „Қаршиқурилиш“ худудий бошқармаси ташкил этилган бўлса, орадан ўн йил ўтиб, Амударё суви Қарши чўлига қараб оқа бошлади. Бунинг натижасида дашт бағрида ўнлаб янги қўриқ хўжалиқлар вужудга келди. Одамлар бу ерда муқим ўрнашиб олиб, деҳқончилик қилишга киришдилар.

Сув - ҳаёт манбаи, деб бежиз айтилмаган. Лекин шу сувдан оқилона фойдалана олдикми? Кейинчалик, ҳар қатраси олтинга тенг бўлган ана шу оби ҳаётдан хўжасизларча фойдаланиш оқибатида чўлдаги экинзор ерларнинг катта қисми аста - секин ишдан чиқа бошлади: ернинг шўрланиши кучайиб, тупроқ унумдорлиги пасайиб кетди, ҳосилдорлик ўзига яраша бўлиб қолди. Айрим туманларнинг ва асосан пахтачиликка ихтисослашган кўп тармоқли хўжалиқларнинг ўзбошимча, довдир раҳбарлари кўрсатмаси билан экинзорларга исталганча сув олинавериши, ҳали мелиоратив жиҳатдан тайёр бўлмаган ерларнинг экин майдонларига айлантирилиши ва ортиб қолган сувнинг бир қисми зовурларга оқизиб қўйилиши туфайли ана шундай ачинарли ҳол юз берди.

Бу ҳақда тўхталиб ўтаётганимнинг боиси шундаки, мен ҳам Тойир аканинг кўплаб ҳамкасб шоғирдларидан бири сифатида чўлни ўзлаштириш ва суғориш ишларида бевосита қатнашганлигим ва сув иншоотлари қурилишининг йирик мутахассиси бўлган шу бағри кенг инсон билан ёнма-ён меҳнат қилганлигим учун ҳам у кишининг афсус-надомат билан: „Не-

не машаққатлар билан сув келтирдигу, уни кимларга ишониб топшириб қўйдик?" дея ачиниб гапирганининг неча бор гувоҳи бўлганман.

Табиатан босиқ-вазмин бўлган Тойир аканинг шу бир оғиз гапи замирида ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати ётганлигини, бу эса кимларнингдир ўз шахсий манфатини кўзлаб ва мансаб талашиб йўлдан озганлиги оқибати эканлигини сезиш қийин эмас эди, албатта. Иш бор жойда шубҳасиз хатоларнинг ҳам бўлиши табиий бир ҳол эканини қайд этиш билан бирга, Тойир ака биз шогирдларига қарата: „Ҳамма гап - шу хатоларни ўз вақтида кўра билиш ва тузатишда, унинг қайта такрорланишига йўл қўймасликда" дея насиҳат қиларкан, бу инсоннинг нақадар тўғрисўз ва диёнатли раҳбар бўлганлиги учун ҳам биз у кишидан ҳаётни ўрганишга интилардик. Бу албатта беиз қолмади. Биз Тойир акадан аввало одамийликни ўргандик. Шунинг ўзи ҳаётни билишга очилган кенг эшик эди.

Мен анча вақт мобайнида чўлни суғориш ва мелиорациялашга ихтисослашган 10-механизациялашган ишлар бошқармасига раҳбарлик қилганимда ва кейинчалик „Зовурқурилиш" трестининг бошқарувчиси бўлиб ишлаганимда ҳам, ва айниқса, ўтган асрнинг 90-йиллари сўнггида „Қаршиқурилиш" бирлашмасининг бош муҳандиси сифатида иш юрита бошлаганимда ҳам Тойир аканинг шогирди эканимни унутмаган ҳолда, одамлар билан тўғри муомалада бўлиш - ишни ташкил қила олишнинг бирдан-бир ишончли йўли деб билганман.

Ишонч йўқолган жойда ҳеч нимага эришиб бўлмайди, деган калимани Тойир акадан кўп марта эшитганмиз. Буни биз шогирдлари устознинг ўгитигина деб эмас, айти пайтда кўпни кўрган камтарин инсоннинг ёш дўстлари келажагини ўйлаб қилаётган ғамхўрлиги ҳам деб қабул этганмиз. Бизнинг кўпчилигимизни ҳаётнинг катта йўлига олиб чиқиб қўйган омиллардан бири - устознинг ана шу одамийлик хислати, деб биламан.

Ёмонга эргашсанг - қоларсан уятга,
Яхшига ёндашсанг - етарсан муродга,-

деб бежиз айтилмаган-да, ахир !

МАКТАБ ЯРАТГАН МУҲАНДИС

Хайрулла ХУРРАМОВ,
“Қаршисаноатуйжойқурилиш” очик акциядорлик
жамияти бошқарувининг собик раиси:

-Мен Тойир Эргашевнинг юзлаб шогирдларидан бири сифатида шуни айтмоқчиманки, Қарши чўлини ўзлаштириш ва суғориш йилларида қурилишнинг барча қирралари бўйича чуқур билимга, кенг тушунчага, катта тажрибага ва бой малакага эга бўлган инсон билан доимо ёнма-ён туриб, биргаликда ишлаганим, у кишидан кўп нарсаларни ўрганганим учун ҳам ўзимни бахтли ҳисоблайман.

Тойир ака ўзига хос мактаб яратган муҳандис. У кишидан нафақат қурилишни ташкил этиш ва олиб боришнинг мураккаб жиҳатларини, айти пайтда инсоний фазилатларни, одамохунликни, оддийлик ва камтарликни ҳам ўргандик. Хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, ҳар қандай жамоа - бу бир оила, раҳбар - гўё шу оиланинг бошлиғи, отаси ҳисобланади. Ота одил бўлса, оилада иш юришади, ташкилот ҳам худди шундай, буни бошқара билиш - санъат, дея ўзаро гурунларда, иш юзасидан маслаҳатлашувларда ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб фикр билдирганининг неча бор гувоҳи бўлганмиз.

Бизни у кишига яқинлаштирган, дўст тутинтирган нарса - Тойир аканинг ана шу фазилатида, деб биланман.

ЯХШИЛАРГА ЁНДАШСАНГ...

Тойир ТУРСУНОВ,
„Мелиоқурилиш” очик ҳиссадорлик
жамиятининг бошқарув раиси:

-Инсон ҳаёти курашдан иборат. Ҳар ким ҳаётдан ўз ўрнини топиши, орзу-умидларининг рўёбга чиқиши учун курашади. Бу йўлда гоҳ қоқилади, гоҳ оёққа туради, билим олади, касб-хунар

ўрганишга интилади. Ишқилиб, эзгу ниятли киши ҳаётда ўз ўрнини топиб олади. Яхши инсонларга ёндашиб юрган одам кам бўлмайди. Мен ҳам бошқа кўплаб ҳамкасб дўстларим сингари чўлда ишлаб, Тойир Эргашевдек тажрибали муҳандисдан иш ўрганганимни ўйласам, ўзимга-ўзим „Бахтим бор экан“ деб қўяман. Ахир биз у кишидан энг аввало одамгарчиликни ўргандик. бу инсон билан ёнма-ён юриб, одамлар билан муомала қилишни тушуниб олдик.

Ўшанда, етмишинчи йилларнинг ўрталарида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тугатиб, тўғри Қарши чўлига ишга келганимда, чўлни суғориш ва ўзлаштириш соҳасида анча тажриба ва малака тўплаган Тойир Эргашев, Омон Суяров каби муҳандислар меҳнат қилаётган 11- механизациялашган ишлар бошқармасида иш бошлаган кезларим куни кечагидек ёдимда. Омон Суяров раҳбар бўлган мазкур бошқарма қурувчилари Қарши бош каналининг Қирққулоч деб аталувчи жойдан ўтган қисмида бетонлаштириш ишларини олиб боришарди. Бу иш ниҳоятда оғир ва мураккаб бўлишига қарамай, қизгин давом этар, билими, тажрибаси, ишчанлиги билан кўпчиликнинг назарига тушган Тойир Эргашев эртадан кечгача ишнинг суръати ва сифатига эътиборни қаратар, доим одамлар орасида бўлиб уларнинг кайфиятини кўтаришга интилар, кишилар меҳнатини кадрлар, ишни жадаллаштиришнинг қулай усулларини қўллаш устида ўйларди. Шундай қилиб, орадан кўп ўтмай, бу ерда Тойир аканинг ташаббуси билан канални бетонлаштирувчи „МБ-15“, „МБ-17“ деб аталувчи механизмлар ишга туширилгач, оғир ва машаққатли қўл меҳнатига деярли барҳам берилди. Кейин Тойир ака билан чўлдаги катта-кичик бошқа сув йўлларини қуришда ҳам биргаликда меҳнат қилдик.

Ҳозир жамоамиз Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл қурилишида тупроқ ишларини бажармоқда. Темир йўлнинг бир қанотида Қашқадарё билан Сурхон воҳасини боғловчи автомобиль йўли ҳам бунёд этилмоқда. Бу ишларда Мавлон Ҳамроев бошлиқ 4-

йўл қурилиш бошқармаси, Ковмиддин Чориев бошлиқ 13-механизациялашган ишлар бошқармаси, Ҳамдам Шукуров бошлиқ 41- механизациялашган кўчма идора механизаторлари, Ўткир Музаффаров раҳбарлигидаги Қурилишни механизациялаш бошқармаси жамоаси айниқса самарали иш олиб боришмоқда. Ана шу ишларнинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари юзасидан ҳозир ҳам устоз Тойир Эргашев билан маслаҳатлашиб турибмиз.

Шунинг ўзи биз шоғирдлар учун катта бахт эканини ўйлаганингда қувониб кетасан киши. Ахир устозинг ҳалол ва доно бўлса, ишингда ривож ҳам бўлаверади, бир оғиз маслаҳат туфайли кўнглинг тоғдек кўтарилиб, ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтаверасан. Яхшига ёндашсанг- етарсан муродга, деганлари шу бўлса керак.

Ҳа, Тойир Эргашев ўзига хос мактаб яратган муҳандис. Ҳозирги кунда жамиятимиз бошқарувида бош муҳандислик қилаётган Абдуҳомид Қосимов, молиявий-иқтисодий соҳани бошқариб келаётган Қудрат Нодиров ва юқорида номлари тилга олинган ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам Тойир аканинг ана шу мактабида сабоқ олган иқтидорли муҳандислар бўлиб, улар билан биргаликда бамаслаҳат меҳнат қилаётганимдан, улар менинг ишончли ва яқин кўмакчиларим эканлигидан хурсандман.

МУРАББИЙ

Бўри ФАЙЗИЕВ,

„Қурувчи“ жамоа корхонасининг раҳбари:

Хар бир соҳанинг ўз мутахассиси, таниқли кишилари бўлади. Мен Тойир Эргашевни ҳалол инсон бўлганлиги, фақат тўғри сўзи, билими, меҳнати орқасидан эл-юрт ҳурматини топган забардаст муҳандис сифатида яхши биламан. Қарши чўлида бирга ишлаш жараёнида у кишидан кўп нарсани, айниқса, одамийликни, тоза меҳнат қилишни ўргандим. Бундай фазилатли одамларнинг дўстлари, шо-

гирдлари кўп бўлади. Катта обрў-эътиборга эга бўлишининг боиси ҳам ана шунда, албатта.

Яқинда корхонамизга қарашли 36- мелиоратив таъмир- қурилиш бошқармасининг бошлиғи Иброҳим Қурбонов билан ўзаро суҳбатлашиб туриб, гап айланиб, Тойир Эргаев билан бирга ишлаган қизғин дамларни эсладик.

- Бутун ҳаётини ҳалол - покиза меҳнат қилиш билан безаган, ёшларнинг севимли устози бўлиб қолган Тойир акадек инсоннинг шогирдиман дейишнинг ўзи катта бахт , - деди Иброҳим Қурбонов дилидагини тилига кўчириб.

-Бўлмаса-чи, - дейман ҳамроҳимнинг фикрини қувватлаб. -Тойир ака ҳаммамизни тоза ишлашга ўргатди. Ҳар биримизнинг бахтимиз ана шунда.

Тойир Эргашев ҳеч маҳал бировни ноҳўя ранжитмаган. Мен шу пайтгача бирор кишидан бу инсон ҳақида носоз гап эшитмаганман. Ахир, тоза ва ҳалол одам тўғрисида ким ҳам нотўғри фикр айта оларди? Тойир ака ҳар бир сўзни ўйлаб гапирар, доим ҳақ гапни айтишга одатланган. У кишининг бу фазилати ҳозир ҳам биз шогирдлари учун ибрат бўлиб қолган. Баъзан иш юзасидан учрашиб қолганимизда, зимдан разм солиб тураман. Тойир ака ўша-ўша мулоҳаза-корлик билан сўзлайди, фикрлари тиниқ ва ёрқин, ҳавасинг келади. Қани энди, ҳамма ҳам шу инсондек ҳаёт кечирса, шундай фазилатли одамлар ҳар қадамнингда учраб турса, дейман ўзимча...

Ў Г И Т

Эркин ОЧИЛОВ,
собиқ “Қаршиқурилиш” бирлашмасининг
муҳандиси:

-Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари. Чамамда кузнинг бошлари эди ўшанда. Тойир ака билан бирлашмада бирга ишлардик. У киши таътилга чиққан экан, шекилли, бир-икки кун идорада кўринмай қолди. Тўсатдан қандайдир бир масала-

ни ҳал қилиш учун Тойир Эргашевнинг маслаҳати зарур, деб қолишди. Лекин уйига қўнғироқ қилиб топишолмабди. Кимдир "У киши қишлоққа кетганлар" дея жавоб берибди. Қишлоқдаги отамакон ховлини мен билардим, холос. Чунки биз бир жойдан эдик. Шу сабабли менга мурожаат қилишди.

-Тойир акани тезда топиб келмасангиз бўлмайди, - дейишди.

Дарҳол жўнадим. Дашт қишлоғига зумда етиб бориб, Тойир аканинг киндик қони томган ҳовлига секин мўраладим. Айна пешин чоғи, кўёш тепадан ёндириб турибди. Эшик юзида ҳеч кимни учратмадим. Фақат анча нарида, ҳовлига туташ боғ ичида сал бўйчанроқ бир киши қўлида кетмон билан янтоқ чопаяпти. Тойир ака эмасмикан, деган ўй билан ўша ёққа юрдим. Тахминим тўғри чиқди. Бошига эски телпак, устига оҳори тўкилган тўн, оёғига кирза этик кийиб олган Тойир ака донга кирган янтоқларни чопиб, дасталаб бораяпти. Бир киши паншаҳа билан аранг кўтара оладиган катта-катта янтоқ дасталарини кўриб, ҳайрон қолдим. Шунинг барини Тойир аканинг бир ўзи чопганига сира ишонгим келмасди.

-Ассалому алайкум! Ҳорманг! - дедим яқинлашиб бориб, баланд овозда.

Тойир ака қаддини ростлади-да, бошини кўтариб:

-Ваалайкум ассалом! Саломат бўлинг! - деди менга томон ўгирилиб. -Қани, келсинлар...

Нима деяримни билмай, бир зум Тойир акага қараб қолдим. Қаршимда... гўё бир умр даладан бери келмаган ҳақиқий деҳқоннинг ўзи турарди. У киши ҳайрон турганимни кўриб:

-Ҳа, Эркин, нима гап? Тинчликми? - дея сўради, бошидаги телпакни олатуриб, пешонасидаги тер томчиларини сидириб ташларкан.

-Тинчлик, Тойир ака, - дедим ўзимни ўнглаб олиб.

-Тинчлик... -Кейин воқеани тушунтирдим. -Бормасангиз бўлмаскан...

-Шундай дегин? Бормасам бўлмасканми? - деди у киши кулиб. -Бу ёғи қандоқ бўлди энди? Янтоқ чопилмай қоладиган кўринади шекилли?

Мен индамадим. Тойир акани олдиндан яхши билсам-да, ана шу инсоннинг бу қадар оддийлигини кўриб, лол бўлиб қолгандим.

-Унда кетдик, - деди Тойир ака менга қараб, устидаги тўнни ечиб олиб, кетмонни елкасига қўйганча уй томонга юраркан. -Бироз кутиб турасан. Соқолимни олиб, кийиниб чиқаман...

-Хўп, - дедим у кишининг деҳқонча қадам ташлашига, оддий ва ўта камтарлигига қойил қолиб. Сўнг ўзимча ўйладим: "Наҳотки, шу одам, катта бир бирлашманинг бош муҳандиси янтоқ чошиб ўтирса..."

Хаёлимни Тойир аканинг овози бўлди:

-Эркин, юр, уйга кир. Мен соқол олгунча чой-пой ичиб турасан.

-Раҳмат, Тойир ака! - дедим миннатдорчилик билдириб. -Шу ерда, машинада ўтира тураман. Сиз бемалол кийиниб чиқаверинг...

-Унда, ўзинг биласан.

Ҳаял ўтмай, Тойир ака уйдан чиқди. Энди у киши бутунлай бошқача кўринишда эди.

Биз йўлга тушдик. Анчагача жим кетдик. Мен бу одамнинг нафақат катта билим ва бой тажрибага эга бўлган йирик муҳандис эканлигига, балки ўта меҳнаткаш, оддий бир инсон сифатида ҳам катта-кичикнинг ҳурматини қозонганлигига тан бериб борардим.

-Ҳа, Эркин, менинг янтоқ чопганимга ҳайрон бўла-япсанми? - деди Тойир ака йўлда кетатуриб, менга томон кулиб боқаркан. -Ҳайрон бўлма. Янтоқ чопиш уят иш эмас-ку. Бу - меҳнат. Бировга муте бўлиш, таъмагирлик қилиш уят. Қўлингдан келадиган иш учун ҳеч қачон бировга ялиниб борма, бировдан илтимос қилма. Шоир топиб айтганидек, ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин! Шунда сен эркин фикрлай оласан, ўзингни ўзинг қулликдан қутқарган бўласан. Буни унутма!..

Тойир аканинг шу гапи мен учун бир умр сабоқ бўлиб қолди. Мен буни чин дўстнинг, ҳақиқий устознинг ўгити деб қабул қилдим...

ДИЛ ЭҲТИРОМИ

**Рустам РЎЗИБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг “Давсувхўжаликназорат” Давлат
инспекцияси Қашқадарё вилоят бўлимининг
бошлиғи:**

Қарши чўли - биз муҳандисларнинг аксарияти учун ажойиб мактаб бўлиб хизмат қилди. Бошқа ёш мутахассислар каби мен ҳам синов даврини шу ерда ўтдим. Бошқача қилиб айтганда, ҳаммамиз кўриқда ҳаёт имтиҳонидан ўтдик. Ўтган йиллар биз учун ўрганиш, малака ҳосил қилиш, тажрибани бойитиш, чиниқиш ва товланиш даври бўлди. Айниқса, бу ерда Тойир Эргашевдек билимли ва диёнатли муҳандис билан ёнма-ён ишлаб, ҳар куни у кишидан ниманидир ўрганиб, билим ва малакамни ошириб бориш бахтига мурассар бўлганимдан ҳали-ҳануз хурсандман. Тойир акани ана шунда яқиндан билиб олганман. Инсон меҳнатининг қадрига етадиган ажойиб одам, катта билим, бой тажрибага эга бўлган бағри кенг муҳандис эканлигига тан бериб, чўлни суғориш ва мелиорациялаш ишлари бўйича у кишининг ёрдамчиси сифатида фаолият кўрсатганимдан фахрланиб қўйганман.

Тойир ака босиқ-вазмин инсон. У кишининг жаҳли чиққанини жуда кам кўрганман. Ҳар қандай ҳолатда ҳам нафақат бош муҳандис сифатида, балки одамийлик нуқтаи назаридан инсон кадр-қимматини жойига қўйиб меҳнат қилишга одатлангани, буни ўзининг виждон олдидаги бурчи деб билгани учун ҳам ҳамманинг чексиз ҳурмат-эътиборини қозонди, ҳамкасбларининг маслатгўй дўстига, ёшларнинг севимли мураббийсига айланди.

Тойир акани ҳалол-покиза, диёнатли устоз деб биламан. Бетгачопар, андишасиз одамларга дуч келганида, бир оғиз калима билан “ахлоқсиз” дея қўл силтаб қўйганининг гувоҳи бўлганман. Лекин оғзидан ҳеч маҳал нопок сўз чиққанини эшитмаганман.

“Биласизларми, - дея босиқ-вазмин гап бошларди баъзан биз ёшларга сабоқ бўлиш учун ўгит бераркан, - билимсиз, дунёқараши тор, маънавий қашшоқ одамгина нопок сўзларни тилга олади. Бундай кишини ахлоқсиз дейишади. Ахлоқсиз одамда диёнат бўлмайди. Уларни наҳс босган дея таърифлаш мумкин. Наҳсли одам бор жойдан файз-путур кетади, бундай ерда иш юришмайди. Наҳсининг маъноси - ҳаром деганидир. Ҳаром аралашган ишда барака бўлмайди. Ҳаром одамлар фақат ўз нафсини ўйлайди. Бундай кишидан ҳар нарсани кутиш мумкин. Улардан раҳбар чиқиб қолса борми, худо кўрсатмасин, одамларнинг шўри қуриydi. Ана шундайлардан эҳтиёт бўлиш керак”.

Бақриқ-чақриқ, кишиларни ҳақорат қилиш билан иш юришиб бўлмаслигини ўзаро суҳбатларда Тойир акадан кўп марта эшитганмиз. Кейин иш жараёнида худди шундай воқеаларнинг гувоҳи ҳам бўлганмиз. Тойир ака ниманики айтса, аввало узоқ мулоҳаза юришиб, ўйлаб гапирарди, барини ҳаётдан олиб сўзларди. Ҳозир ҳам шундай. Бу - у кишининг тўғрисўзлигининг исботи. Тўғрисўз одам - диёнатли бўлади. Диёнат - поклик белгисидир. Пок инсоннинг оғзидан ёмон сўз чиқмайди. У ёлғон гапиролмайди, бировларни алдаёлмайди. Бу гапларни Тойир аканинг ўзи айтган. Ҳозир ҳам такрорлаб туради.

Ҳа, Тойир ака айтганидек, ҳаёт - мураккаб. Инсон ўз ҳаёти давомида кўп нарсаларни кўриши, ажабтовур воқеаларни бошидан кечириши мумкин. Бундан фақат тўғри хулоса чиқариб, сабоқ олиб яшаш ва курашиш керак. Ахир адолат ҳамма вақт тантана қилиб келган. Шундай бўлиб қолаверишига бизни Тойир аканинг ўзи ишонтирган. Ҳаёт буни кўп марта исботлаб берган.

Мустақиллик даврининг бошларида Давлат концернига янги раҳбар тайинланди. Сўнгра орадан кўп ўтмай, “Қаршиқурилиш” бирлашмасига ташриф буюрди. У билан танишиш мақсадида бирлашмада йиғилиш ўтказиладиган бўлди. Ўша куни кеч куз ёмғири тинимсиз қуйиб берди. Бирлашманинг пастки қават-

даги кичик мажлислар залида "Ўзсувқурилиш"га қарашли вилоятдаги барча қурилиш ташкилотлари ва саноат корхоналарининг мутахассис раҳбарлари тўпланишган, зал одамга тўла эди.

Залга кириладиган эшикнинг чап қанотидаги олдинги қисмида, саҳнасимон жойдаги узун стол орқасига қўйилган стулларда бирлашма бошлиғи Неъмат Шукуров, вилоят ҳокимлигидан вакил сифатида Султон Чегебоев, кейин концерннинг янги раҳбари, сўнгра бирлашма бош муҳандиси Тойир Эргашев ва тағин кимлардир ўтиришибди. Чамамда, Тойир ака четдаги стулда эди. У киши одатдагидек оддий кийинган, ҳорғин бир қиёфада ниманидир ёзиб ўтирарди.

Раҳбар ўзини таништира бошлади. Тойир аканинг касбдоши экан. Катта-катта қурилишларда ишлаганини, жумладан Туямуйин сув омбори қурилишига раҳбарлик қилганини айтди. У ўз шахсиятини бўрттириб кўрсатишга интиларкан, баланддан келиб, залдагиларга паст назар билан қараб сўзламоқда эди. Буни ҳамма сезиб турди. Гап орасида қаттиққўллигини пеш қилиб ўтди.

У узоқ гапирди. Одамларнинг зерика бошлаганини ўзи ҳам тушунди шекилли, ташкилотларнинг раҳбарлари билан танишувга ўтди. Раҳбарнинг кўпол муомаласи, ҳеч кимни менсимай савол-жавоб қилиши кўпчиликнинг гашига тегиб, асабларни таранглаштира бошлади. Бу танишув кўпроқ чиғириқдан ўтказиш усулига ўхшаш тусни олмоқда эди.

Инсон тақдири билан ўйнашиш мумкин эмаслигини шу куни яна бир марта ўз кўзим билан кўрдим. Савол-жавоб тергови олдинги қаторда ўтирганлардан бошланган эди. Бу ерда трестларнинг бошқарувчилари, корхоналарнинг раҳбарлари ўтиришарди. У ёши, лавозимидан қатъий назар, ҳаммани сенсираб, нописанд оҳангда дўқ-пўписа билан сўзларкан, баъзиларнинг мансаб лавозимида қолиш-қолмаслигини кўриб чиқишини гоҳ шахсиятга тегиш, гоҳ кўрқитув усулида ошкора шаъма қилиб ўтар, бу эса, шак-шубҳасиз, бутун ҳаётини чўлдаги қурилишлар билан бог-

лаб, не-не машаққатларни, азобу қийинчиликларни бошдан кечирган, ҳалол меҳнати эвазига обрў-эътибор топган орийатли кишиларнинг, ўзига ишончи комил мутахассисларнинг гурурини жунбушга келтира бошлаган эди.

Гўё бўронли уммонда кема қалқиб тургани каби ана шундай қалтис бир вазиятда концерт раҳбари ўз қаторида ўтирган бирлашма бош муҳандиси - сабртоқат билан тишини-тишига қўйганча кундалик иш дафтарига нималарнидир ёзаётган босиқ-вазмин Тойир Эргашев томонга бошини кескин бурди-да, жеркиш оҳангида ноўрин гап қотди:

-Қани, бош муҳандис жавоб берсин, мутахассисман дейсанлару, бу ерда шунча йил ичида бирон-бир ишни дўндириб бажарган пайтларинг бўлганми? Тузукроқ иншоотни қуриб, қойиллатган жойларинг борми ўзи? Қурилишни тушунасанларми?..

Тойир Эргашев ўзини босди. Жўялироқ қилиб жавоб бергиси келди-ю, лекин фойдасиз эканини тушунди. У саволга яраша жавоб қайтарди:

-Қурилишни тушунмасак, бу ерда ўтирмасдик. Чўлда қурган иншоотларимизга келсак, ҳар ҳолда, Туямуйин сув омборидан кам эмас!..

Ҳамманинг дами ичига тушиб кетди. Жавоб жуда ўринли бўлганди. Олдинда ўтирган 7-қурилаётган корхоналар дирекциясининг бошлиғи Қудрат Мусаевич Рўзиев Тойир акага гурур назари билан боқиб, миннатдор қиёфада мийиғида кулиб қўйди. Шу пайт "терговчи" раҳбарнинг унга кўзи тушиб қолди. Тойир Эргашевнинг жавобидан қониқиш туйиб, сабр чегарасидан чиқиш арафасида бўлган таранглашган асаблари энди пайсал топа бошлаган Рўзиевга томон қўлини бигиз қилганча:

-Нега куласан? Қани, тур ўрнингдан. Кимсан ўзинг? - деди жаҳл билан.

Қудрат Мусаевич бошлиқнинг кимга қарата қўлини бигиз қилганча сенсираган ҳолда мурожаат этаётганини тушунмай, ҳайрон бўлиб бир ўзига, бир ёнидагиларга қараб олди.

-Ҳов, сенга айтаяпман!..

-Менгами? - сўради Рўзиев, охири сабри чидамай.

-Сенга, сенга! - деди у, қаҳр билан тикилиб. -Нега қараб қолдинг? Қани, тур ўрнингдан!

Қудрат Мусаевич шахд билан дадил ўрнидан турди ва қаддини ғоз тутиб, деди:

-Хўш, мана, турдим, нима эди?

-Сен кимсан? Қаерда ишлайсан? Нега қулдинг?

Рўзиевнинг жаҳли чиқди. Лекин ўзини босиб, жавоб қилди.

-Менми? - деди у шошмасдан, дона-дона қилиб сўз бошларкан. -7-қурилаётган корхоналар дирекциясининг раҳбариман. Исми-шарифим: Рўзиев Қудрат... Хўш, менинг ҳам ўрним керак бўлиб қолдимми? Марҳамат, бўшатиб бераман. Агар жуда ҳам истаб қолган бўлсалар, шу дақиқадан бошлаб. Лекин, бир нарса-ни айтмоқчиман: бу ер - Қашқадарё. Бу ерда одамлар бир-бирини ҳурмат қилишади, бир-бирларига сенсираб эмас, сиз-сизлаб мурожаат этишади. Бизда ёши улуғ кишиларни сенлаш - ҳурматсизлик ҳисобланади. Орияти бор одам ўзини сенлатиб қўймайди. Чунки ана шу сенлашни ўзининг шахсиятига тегиш деб билади. Шахсиятига тегишни эса ўзига ҳақорат деб тушунади. Энди гапим тушунарлидир? Марҳамат, ўрнимни эса олаверсинлар. Маданиятсиз одам билан ишлашга тоқатим йўқ!..

Шундай дея у ҳеч кимдан сўраб турмай, ўз ўрнига ўтирди. Раҳбарнинг тили айланмай, ранги ўчди. Саросималаниб, бир чўрткесар Қудрат акага, бир залдаги одамларга, бир ёнидаги Султон акага қараб оларкан, хатосини тушунди шекилли, ҳаммадан узр сўради. У шунга мажбур бўлди. Энди бир поғона пастига тушиб, танишувни сенсираб эмас, сизсизлаб давом этдира бошлади...

Ростдан ҳам Қудрат Мусаевич вазифасини топширди. Ёши олтмишга етиб қолган Тойир ака эса, бош муҳандис сифатида ишни давом этдиришни ўзига эп кўрмади. Энди бу ердан файз-путур кета бошлаганини у киши афсус-надомат, ачиниш билан олдиндан сезиб турарди...

Тойир ака кўп ўтмай, вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига ишга ўтиб кетди. Мен ҳам ана шу жойда у киши билан бирга ишлай бошладим...

Энди биз бу ерда асосий эътиборни - чўл минтақасида жойлашган ерларнинг шўрланишига қарши иш олиб боришга қаратдик. Чунки шўрланган майдонларнинг ортиб бориши туфайли ҳосилдорлик тобора пасайиб кетмоқда эди. Кунлардан бир куни Тойир ака билан бу ҳақда ўзаро маслаҳатлашув тарзида суҳбатлаша туриб, кўшни Бухоро, Хоразм вилоятларининг ҳам ер майдонлари шўрхок жойлар эканига қарамай, нега энди уларда ҳосилдорлик нисбатан юқори даражада, дея у кишига савол назари билан қарадим.

-Фикрингизни тушундим, - деди Тойир ака, шошилмасдан гап бошларкан. -Шўр ювишни қонунқоидага мувофиқ ташкил этмай туриб, мақсадга эришиб бўлмайди. Ўзингизга маълумки, мутахассислар ишлаб чиққан лойиҳага кўра, шўрланган ерларнинг ҳар бир гектари учун, шўрланиш қай даражада эканлигига қараб, 2,5 минг кубметрдан 20 минг кубметргача сув сарф қилиниб, шўр ювилиши керак. Бизда эса, кўплаб хўжаликларда бу тадбир шунчаки номигагина олиб борилмоқда. Шўр ювиш иши ҳали бирор марта лойиҳага асосланиб бажарилгани йўқ. Бунинг оқибати шунга олиб келмоқдаки, бугунги кунда вилоятимиз бўйича юз минглаб гектар ернинг шўрини ювиш талаб қилинади. Бу иш эса кўшни Бухоро ва Хоразм вилоятларида бир мунча яхши ташкил этилган. Шунинг учун ҳам у жойларда ҳосилдорлик анча юқори.

Тойир ака сўзини давом этдириб, бу муҳим тадбирни амалга оширишга жиддий киришиш лозимлигини, буни лойиҳада кўрсатилганига асосан бажариш зарурлигини, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, деҳқонлар эътиборини ана шунга қаратиш кераклигини ташвишланиб гапирди. Бундан ташқари, у киши мутахассис сифатида тағин бир нарса - каналлар бошида лойқа чўктиргич мосламалар қуриш шарт эканлиги, бунинг эвазига ҳар йили сув йўлла-

ридан чиқариб ташланадиган чўкиндилар учун сарфланадиган қанчадан-қанча маблағни тежаб қолиш мумкинлиги устида ҳам тўхталди.

-Иш бор жойда, албатта, хатолар ҳам бўлиб туради, - дейди Тойир ака узоқ ўйланиб. -Лекин ҳамма гап - ана шу хато-камчиликларни тузатишда... Ҳа, биз ерга зътибор қаратишимиз лозим. Ер - бебаҳо бойлигимиз. Ерга қарашсанг, ер ҳам сенга қарашади, деган гап бор-ку. Бунинг замирида катта маъно ётибди...

Тойир акага зимдан разм соламан. Бу одам бутун ҳаёти давомида элни ўйлаб иш кўриб келди. Ҳозир ҳам жонкуярлик билан одамларнинг эртанги фаровон турмушини деб куйиб-ёнмоқда эди. Шундай олижаноб инсон билан биргаликда меҳнат қилишнинг ўзи кишига ҳузур бахш этишини ўйлаб, ўзимча гурурланиб қўйдим...

“ХОТИРА ДАФТАРИ”НИНГ ДАВОМИ

-Тойир Эргашев ўзининг киндик қони томган кадрдон қишлоғидаги мўъжазгина ҳовлиси сари шошилмасдан секин-аста қадам ташлаб бораркан, бошидан кечган ана шу воқеалар тўғрисида ўйлади. Кейин инсон ниманики орзу қилиб, шунга интилса, албатта ниятига эришажагига амин бўлди. У ақлини танибдики, меҳнат қилиб келади. Бутун ҳаёти ни ер иши билан боғлади. Нияти - шу ерга мўл-кўл сувни етаклаб келиш эди. Бунга эришди. Ҳикоятда нақл қилинган Чўлиободдаги аждодлари сингари хаёлни ҳақиқатга айлантириш учун озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшди. Чўлда ишлаб кам бўлмади. Бу ерда ҳаётини ҳаловатсиз кунлар билан кечирган бўлсада, меҳнат унга завқ бағишлади. Бу кенг кураш майдо-нида ажойиб воқеаларнинг гувоҳи бўлди, яхши-ёмон одамларга дуч келди. Улар орасида, ҳар ҳолда, яхшилари кўпроқ эди. Ана шу яхши кишиларга ёндашиб меҳнат қилгани учун ҳам кам бўлмади. Обрў-зътибор топиб, эл раҳматини олди. Шак-губҳасиз, бунинг ҳаммаси меҳнати туфайлидир.

Бир воқеа кечагидек ёдида. Насос станциялари қурилишини Шароф Рашидовнинг ўзи келиб кўрди.

Бу ердаги ишлардан ҳайратга тушиб, ҳаяжонини яширолмади. Ўзбекистоннинг отаси бўлган бу инсон муҳандис Тойир Эргашевнинг қўлтигидан қўлини ўтказиб олганча битаёзган қудратли насос станцияси қурилишини кўздан кечириб, Тошкентдан, Қаршидан келган меҳмонлар, мутахассислар қуршовида тева-рак-атрофдаги қум босиб ётган бийдай чўлга завқланиб разм солган куйи вилоятнинг биринчи раҳбари Рўзимат Ғойибовга қараб:

-Қаранг, ажойиб йигитларимиз бор-а! - деди қувонч билан, унга Тойир Эргашевни кўрсатаркан. Сўнгра унинг қўлини қисиб, шу оддий муҳандис раҳбарлигида олиб борилаётган бу ердаги ишлар учун миннатдор эканлигини изҳор этиб, деди: -Раҳмат сизга, биродар! Эл учун хайрли ишга аҳд қилиб, белни маҳкам бойлабсизлар, энди буёғига ҳам бўш келманглар. Меҳнатингиз, яхши ишларингиз учун ҳаммангизга минг раҳмат!

Мана шу икки оғиз гапнинг ўзи унинг юрагини тоғдек кўтариб юборганди. Шунинг ўзи ҳар қандай мукофотдан ортиқ эди. Тойир Эргашев ўшандаёқ эл назарига тушиш нақадар оғир эканини, меҳнат инсон учун бахт келтиришини, меҳнатнинг эъзозланишини, қадр топишини тўла тушуниб етди ва буни ўз кўзи билан кўрди.

Энди бари ажойиб хотира бўлиб қолди. Лекин бу - фахрланса арзигулик меҳнат ҳақидаги хотирадир. Буни асло унутиш мумкин эмас.

...Қишлоққа Тойир аканинг келганини эшитган қариндошлари, ёру биродарлари, қўни-қўшнилар унинг ҳузурига шошилишди. Қадрдон ҳовли бир зумда гавжум бўлиб қолди. Тойир ака буни биларди. Шунинг учун бу ерга болаларини олдинроқ жўнатиб юборганди. Ҳовли юзини, тева-рак-атрофни саранжом-саришталаб, уй-жойни меҳмон кутадиған қилиб қўйинглар, дея тайинлаганди уларга. Болаларини машинада жўнатиб юбораркан, мен пиёдалаб, қишлоқни томоша қилиб, кейинроқ бораман, деганди...

Ишга бориб-келиш бироз қулайроқ бўлсин учун шаҳарда ҳовли-жой қилиб, кўпдан бери шу ерда яшаб

келаётганига қарамай, бир оёғи доим қишлоғида бўлди. Бу ердан сира кўнгил узолмас, болалиги, ёшлик чоғлари кечган макон соғинчи Тойир акани ўзига тортиб турарди. Кўли ишдан сал бўшади дегунча, йўлини дарҳол шу томонга бурарди. Қишлоққа келиб, бир лаҳза ишни, ўйю-ташвишларни унутарди. Ҳаммасини бир четга суриб қўйганча, кундан-кун обод бўлиб, ўзгариб бораётган қишлоғи манзараларини завқланиб томоша қиларди. Сўнг бир дам хаёлан пода ўтадиган чанг-тупроқли кўчаларни оёқяланг бўлиб кезган ўша болалик чоғларини кўз олдига келтирарди. Бу билан гўё кеча-кундуз тинимсиз ишлаш туфайли толиққан тан-жони, бутун аъзойи-бадани яйрагандек, бўшашган асаблари тағин ўрнига тушгандек, безовта қалби пайсал топгандек бўлар, ўзини бир пас ором оғушида экандек ҳис этиб, кўзларини юмганча туриб қоларди...

Кейин яна изига қайтарди. Зум ўтмай, бутун олам ташвишию, ҳою-ҳаваслар ичра ғарқ бўлиб ётган шовкин-суронли шаҳар қучоғига кириб борарди.

Қишлоқ - унинг тасаввурида таърифга сиғмас ўзгача бир жой эди. Ватан шу ердан бошланганини тушуниб, сезиб, ҳис қилиб турарди. Соғинчларга лиммолим тўлган қалби уни доим шу ёққа чорлагани-чорлаган эди. Бунинг маъносини Тойир Эргашев эсини танигандан буён тушуниб етганди. Бу соғинч-аслида Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат эканини яхши биларди...

Ватанда туриб.... Ватанни соғиниш. Бу - унинг ташвишлари билан яшаш, истиқболини ўйлаш, шу йўлда меҳнат қилиш, куч ва билимини сарфлаш, яхши-ёмон, оғир-енгил кунларида бирга бўлиш, ютуқларидан қувониш, дардларига шериклик қилиш, порлоқ эртаси деб курашиш деганидир.

Тойир ака ҳаж зиёрати баҳонасида хориж сафарида бўлиб қайтди. Ватан соғинчи нима эканини ана ўша ерда билди. Бунинг маъноси нисбатан янаям кўпқиррали бўлишини ҳам тушунди. У ерда анча-мунча ўзбеклар яшаркан. Қайсидир сабабларга кўра, ўша ёқларга бориб қолишган улар.

-Ўзбекистоннинг қаеридансиз? - дея сўраб қолди бирови Тойир акадан.

-Қашқадарёдан, - деб жавоб қилди Тойир ака.

-Мабодо қаршилик эмасмисиз?

-Ҳа, ўша ерликман.

Ҳалиги мезбон-ватандош Тойир ака билан қайта бошдан сўрашиб, қучоқлашиб кўришди. Кўзларида ёш ҳалқаланиб, меҳр билан жилмайиб боқди. Қарши - унинг ота юрти экан. Отаси оламдан ўтар чоғи: "Ҳаж савобини олмоқ истагида у ёқдан келувчиларни зиёрат қилиб, улардан Ватанни, у ердагиларнинг соғлигини сўраб-суриштириб туринглар. Энг катта савоб шу", - дебди. Сўнг, сўзининг охирида: "Икки нарсани - Ватан ва инсон қадр-қимматини унутманглар", - дея васият қилибди.

Қадр-қиммат... Тойир ака бу ҳақда кўп ўйлайди, мулоҳаза қилади. Биз бунинг маъносини қай даражада тушунамиз? Баъзан шу "қадр-қиммат" деган тушунчани унутиб қўймапмизми? Нега ҳамон бир-биримизни тушунмаймиз? Инсон тақдирига, унинг меҳнатига нописанд қараган ҳолларимиз бўлмадимми? Гоҳида меҳр-оқибатни эсдан чиқариб, ҳою-ҳавасларга берилиб, вазифа, мансаб, мол-дунё талашиб, ўзимизни ўзимиз алдамаяпмизми? Биримиз иккинчимизни чалиб йиқитишни "қасб-ҳунар" қилиб олмадикми? Бу - ниманинг оқибати? Ўзликни унутишнингми? Маънавий қашшоқликнингми? Фарзанд отага, шогирд устозга "насихат" қилиб турса, бу қандай ярамаслик! Буни нима деб аташга ҳайронсан...

Тойир ака яқин ўтган вақт ичида ўзи гувоҳи бўлган бир воқеани эслади. Ўшанда у вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида энди иш бошлаган кезлар эди. Унга "Қаршиқурилиш" бирлашмасида мутахассис кадрларни уларнинг билим даражаси, касб малакаси, иш тажрибаси бўйича қандай синовдан ўтказишганини ҳикоя қилиб беришди. Қизиқ, Тойир ака билган, жуда яқиндан танийдиган энг яхши, синалган муҳандислар "синов"дан ўтолмаганмиш! Бу қандай синов бўлди, ахир? Улар аллақачон ҳамма синовдан, ҳаёт имтиҳонидан ўтиб қўйган кишилар-ку. Синовдан

Ўтказилмаганлар орасида Иброҳим Бердиевдек кўзга кўринган, тажрибали, билим даражаси ҳам бошқаларникидан кам бўлмаган муҳандиснинг борлигини эшитиб, Тойир аканинг жаҳли чиқди. Чўл ўзлаштиришнинг дастлабки йилларидан бошлаб биргаликда меҳнат қилишган, Талимаржонда, Дўстликда кеча-кундуз қум кечиб юришган, Қарши бош канали, насос станциялари қурилиши жараёнидаги муаммолар устида биргаликда бош қотиришган, не-не қийинчиликларни ҳамкорликда енгиб ўтишган муҳандислардан бири бугунга келиб наҳотки "билим даражаси пастлиги, тажрибасию, малакаси камлиги учун" синовдан ўтолмаган бўлса? Шунга ишониниш мумкинми? Буни у тасаввурига сиғдиrolмади. Тойир ака ўзининг ҳамкасбларидан, шогирдларидан жуда кўпчилигининг қандай билимга, қанақа тажрибага эга эканлигини яхши биларди. Хайриятки, Файзулла Дилов, Ботир Зойиров, Мажид Саидов, Жўрақул Санаев... ва тагин уларга ўхшаш чўл қурилишларида кўзи, суюги қотган, ўзига ишончи комил муҳандислар бошқа ёқларга кетиб қолишмабди...

Кейин билсаки, Иброҳим Бердиев Талимаржон ГРЭСи қурилишига ишга ўтиб кетибди. Яхши мутахассис, тажрибали муҳандис ишсиз қолармиди?..

Орадан сал ўтмай, Тойир ака Иброҳим Бердиевни учратиб қолди.

-Ха, нима гап? - дея сўради Бердиевга қараб. - Чўлни ташлаб кетибсиз деб эшитдим. Шу ростми? Нима, шунча синовлардан ўтиб келган одам...

-Э, йўқ... - кулди Иброҳим Бердиев, "Хафа эмасман" деган маънода, "синов воқеаси"ни эслагиси келмай. - Ҳеч қаёққа кетиш ниятим йўқ эди... Лекин, Ҳабибулла ака қўймади. Биргаликда ишлаймиз, дея ГРЭСга ишга таклиф қилди. Йўқ деёлмадим... Шоғазатовни яхши биласиз-ку, Тойир ака. У киши ҳаммага ҳам бу ёққа кел деявермайди, тўғрими? Ҳабибулла ака ГРЭСнинг Тошкентдаги вакили бўлиб ишлаётган экан. Бир оёғи Тошкентда бўлса, иккинчи оёғи доим Қаршида...

Ҳа, Шоғазатовдек раҳбарни чўлда бошқа учратмади. Ишбилармон, ажойиб инсон. Ҳабибулла Абдумажидович энг оғир иш участкаларини назаридан қочирмасди. У Бош бошқарма бошлиғи Нажим Раҳимович Ҳамроев билан биргаликда насос станциялари қурилишини бир неча бор кўздан кечириб, Тойир Эргашевнинг фикрини билиб, таклифларини тинглаб, ишни жадаллаштириш юзасидан зарур тадбирларни кўриш учун қўлидан келган ҳамма ишни қиларди. Бунинг бари худди куни кечагидек Тойир аканинг ёдида турибди...

Тойир Эргашев шуларни хаёлидан ўтказаркан, Бердиевга кулиб боққанча, сўради:

-Хўш, қалай энди у ердаги ишларингиз?

-Раҳмат, ёмон эмас.

-Унда белни янаям маҳкамроқ бойланг! - деди Тойир Эргашев, кўнгли жойига тушиб. -Ҳабибулла Абдумажидович билан бирга эканингиз мени хурсанд қилди. Жуда яхши бўлибди. Ахир бундай тоза инсон билан ишлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди!..

Тойир Эргашев иззат-ҳурмат, меҳр-оқибат, инсон меҳнатининг қадри тўғрисида фикр юритиб, шуларни ёдга олди. Яхши инсонлар сиймоси кўз ўнгингда доимо жонланиб тураверади, уларнинг хайрли ишлари хаёлингни чўлғаб олаверади. Бош бошқарма (кейинчалик Давлат концерни)га раҳбарлик қилган Нажим Ҳамроев, Эркин Турсунов, Тўхтамиш Боймиров сингари бутун ҳаётини Ўзбекистондаги қуриқ ерларни ўзлаштириш ва суғориш иши билан боғланган бағри кенг ажойиб инсонлар ёнида юриб, Қарши даштининг уфққа қадар ястаниб ётган кенгликларини неча бор биргаликда кезиб чиққанлари, чўлнинг истиқболи ҳақида ўзаро мулоқотда бўлганлари кечагидек эсида...

Эҳ-ҳе, Тойир ака ўзининг ярим асрлик иш фаолияти давомида не-не воқеаларни бошдан кечирмади, кимлар билан ишламади, дейсиз? Шароф Асадуллаев, Асқар Шукуров, Санжар Турсунов, Имом Исломов, Эркин Очилов, Собир Бозоров, Исмаи Раҳмонқулов, Низом Жалилов, Раиса Янукович, Баҳром Жали-

лов, Ҳосиятқул Жўраев, Мурод Худойкулов, Дамир Ибрагимов, Муҳаммади Аймуродов, Фотима Ермеева, Эргаш Ирралиев, Зебо Раҳматова, Фафур Бўриев, Самад Саломов, Алла Рябина, Алла Никифоровна Олейник, Бахтиёр Жалилов, Тоҳир Ҳамидов, Эргаш Шойқулов, Гулбаҳор Ёдгорова, Рафаэл Шамсиев, Алик Шаймухамедов, Вадим Довбиш, Мўътабар Воҳидова, Самад Оразбоев, Абдуқодир Теминов, Борис Саидович Ботиров, Парда Узоқов, Абдумажид Рашидов, Шомурод Шаропов, Равил Резяпов, Наим Комилов, Борис Андреевич Чаркин, Александр Титов, Анвар Маҳмудов, Абдужалил Юсупов, Олим Давронов, Жўра Майдонов, Файзулла Асадов, Убайдулло Исмоилов, Баҳром Узоқов, Раҳмонқул Қўшмуродов, Маҳмуд Жавлиев, Райим Ражабов, Соифназар Турсунов, Чори Жумаев, Баҳорой Арабова, Шариф Азимов, Лола Қўзиева, Шокир Ҳайдаров, Нодир Аҳмедов, Қаноат Азизов, Исомиддин Мансуров, Шариф Ҳошимов, Татьяна Ломакина, Абдуғани Сувонов, Тўхта Ражабов, Кибриё Ҳабиев, Наил Зубаиров, Истам Адиев, Рашид Равшанов...

Эҳ-ҳе, улар жуда кўп. Санаб адоғига етиб бўлмайдди. Ҳаммани бирма-бир ёдга олиш, кўз олдингга келтириш, уларнинг бутун иши, фазилатларини эслаб қолиш қийин, албатта. Тойир Эргашев ҳозир ҳам уларнинг кўпчилигини бирор сабаб билан гоҳ ишда, гоҳ кўча-куйда, гоҳ тўй-маъракада учратиб туради. Бир-бирлари билан ҳол-аҳвол сўрашишади. Ахир, одам одамга ғанимат-да. Бу дунёда ҳеч ким устун бўлиб турмайди. Ҳамма нарса эсдан чиқиши, унутилиши мумкин. Лекин инсонларнинг эзгулик йўлидаги интилишлари, ишлари, яхши амаллари эсланаверади. Мана, чўлда ҳуқуқ маслаҳатчиси сифатида кўп йиллар фаолият кўрсатиб келган Рашид Равшанов куни кечагина оламдан ўтибди. Рашид ака катта-кичикнинг яқин маслаҳатчиси эди. Ҳазилкаш, доим хушчақчақ юрадиган бу инсоннинг бировга оғир гапирганини ҳеч ким эслолмайди. Жойи жаннатда бўлсин!..

Тойир Эргашев ана шундай турфа хил одамлар орасида меҳнат қилди. Тойир ака уларни, улар эса

Тойир акани тушуниб, биргаликда ишлашди, яхши-ёмон, оғир-енгил дамларни бошдан кечиришди. Шунинг учун ҳам, қаерда бўлмасин, уларнинг ҳаммаси Тойир аканинг кўзига иссиқ кўринади. Бир-бирларининг ҳурмат-иззатларини жойига қўйишади. Бу нарса шунчаки номигагина эмас, балки инсоннинг бири-бирига нисбатан қиладиган чин дилдаги муомаласидир. Эҳтимол, бу - одамнинг одамга бўлган меҳр-оқибатидир? Эҳтимол, кадр-қиммат белгиси шудир? Эҳтимол... "кадр-қиммат" сўзларининг маъноси бундан-да теранроқ ва бундан-да чуқурроқдир?..

Яқинда Александр Павлович Кондрашин қўнғироқ қилиб, шифохонада ётганида Муртоз Шарипов билан биргаликда ундан қўнғил сўрашгани учун Тойир акага миннатдорчилик билдирди.

-Қандайсиз Александр Павлович, соғайиб кетдингизми? - дея унинг саломатлигини суриштирди Тойир ака. -Энди тузукмисиз?

-Раҳмат, соғайиб уйга қайтдим, - жавоб қилди Кондрашин, хурсанд овозда. -Ҳозир яхшиман. Ишлаб келаяпман...

Александр Павлович Тойир Эргашевдан Муртоз аканинг соғлигини сўради, ишларини суриштирди, - Қарши чўли музейининг тақдири билан қизикди.

-Муртоз Шариповни кўриб турибман, - деди Тойир ака. -Саломатлиги жойида. Ҳа, музейни ўрнига қўяман, ўша "Қаршиқурилиш" биносида бўлганидек, олдинги ҳолатига тушираман, деб ҳаракат қилаяпти у киши. Бироз маблағ масаласи қийин бўлиб, жиҳозлаш оғир кечаяпти, шекилли. Ишқилиб, ҳар ҳолда, шу хайрли ишни охирига етказиш нияти бор. Ўзи учун эмас, одамларни деб шу ишга қўл урди Муртоз Шарипов. Музей тўла жиҳозланса, ёшларимиз келиб кўрса, ота-боболарининг ишидан хабар топса, одамлар меҳнати билан Қарши чўли қиёфаси қандай ўзгарганлигини тушуниб етишса, инсон меҳнатининг кадр-қимматини билишса, дейди-да у киши. Шунинг ўзи эзгуликнинг бир кўриниши эмасми, Александр Павлович?

-Албатта, - деди Кондрашин Тойир Эргашевнинг куйинчаклик билан билдирган фикрини қўллаб-қувватларкан. -Яхшилик унутилмаслиги керак, Тойир ака...

Қаранг, ажойиб инсон-да бу Александр Павлович! Ўзи рус, лекин шу ерда - Бешкентда, ўзбеклар орасида вояга етди.

Узоқ йиллар давомида, чамаси Султон Чегебоев қўл қурилишига раҳбарлик қила бошлаган дамлардан то "Қаршиқурилиш" бирлашмаси ўз фаолиятини тўхтатган ўша 1999 йилнинг июнига қадар бошлиқ ёрдамчиси бўлиб ишлаган Александр Павловични Тойир ака ўз ишининг устаси деб ҳисоблайди. Ўзбек тилини ўз она тилидек яхши билган Александр Павловичга бу ердагиларнинг кўпчилиги ҳазиллашиб "Искандар ака" дея мурожаат этишадиган ўзбекча ном ҳам қўйиб олишганди...

Лекин Кондрашин улардан сира хафа бўлмас, у ишлаб чарчамас, ҳар бир масъул ходимнинг, ҳар қайси мутахассиснинг оғирини енгил қилиш учун қўлидан келадиган ёрдамни аямасди. Унинг ҳузурига дам бирлашма бошлиғининг иқтисод масалалари бўйича ўринбосари Рўзи Ҳақбердиевич Қаҳҳоров, бирлашма бош ҳисобчиси Ҳосиятқул Жўраев кириб келишиб, иш билан банкка ёки бўлмаса вилоят молия бошқармасига кетишларини маълум қилишар, дам бошлиқнинг автотранспорт бўйича ўринбосари Али Тўраевич Орзиқулов, дам бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси раиси Мамадиёр Эгамназарович Шарипов, дам бирлашманинг автотранспорт ва механизация бошқармаси бўлимларининг бошлиқлари Қаноат Азизов, Акбар Норалиев, дам бош мутахассислар Борис Саидович Ботиров, Роберт Муракаев, Жўрақул Санаевлар, дам Қарши автотранспорт корхонасининг бошлиғи Шавкат Ашуров, дам Қарши тажриба механика заводининг директори Жалол Шаропов, дам „Қаршиқурилиш“ электр тармоқлари туман бошқармасининг бошлиғи Олим Қундузов, унинг уй-жойлардан фойдаланиш бўйича ўринбосари Ориф Салаев ва бошқа масъул ходимлар, ташкилотларнинг раҳбарла-

ри кириб келишар, сўнгра у билан ишга боғлиқ қандайдир масалаларни келишиб олишар ва яна тезда чиқиб кетишарди. Александр Павловичнинг қўли ишдан бўшамас, баъзан ҳатто бош қашишга вақт топа билмасди...

Тойир Эргашев бунинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб, бу ерда ҳеч бир ходимнинг вазифаси энгил эмаслигини ҳис қилар, яхши мутахассислар ишлаётганидан хурсанд эди. Улар ишни ҳам, ҳазилни ҳам қилишарди. Лекин барини ўз ўрнига қўйиб, бир-бирларини ҳурматлашиб, қадрлашиб фаолият кўрсатишарди.

Шундай кезларда Тойир Эргашев бош муҳандис сифатида ўзини энгил сезиб, Александр Павловичнинг хонасида ўтирганча, ҳозиргина дамлаб қўйилган қайноқ чойдан бир пиёла сузиб олдиға қўярдида, Кондрашин билан қандайдир ҳужжатни кўриб чиқаётган бирлашма бошлиғининг ходимлар билан ишлаш ва умумий масалалар бўйича ўринбосари Собир Боймировға қараб:

-Ажойиб кадрларингиз бор-да, - дерди мамнун бўлиб.

-Ҳа, шуларнинг бориға шукур, - дея жавоб қиларди Собир ака ишдан бошини кўтармасдан, ғурур билан. -Уларнинг ҳар бири - бир дунё.

-Рост, ҳар бири - бир дунё. Сира ишдан нолишмайди...

Тойир Эргашев уларнинг ғайрат билан меҳнат қилишини, чарчаш нималигини билишмаслигини таъкидларкан, сўнг гапини давом этдириб, бунга Александр Павловичнинг кўзга кўринмас, лекин ҳар кимнинг ҳам бажариш қўлидан келавермайдиган сермашаққат ишларнинг уддасидан чиқаётганини мисол қилиб кўрсатарди...

Ана шу инсон бугун Тойир акаға қўнғироқ қилиб, ўзидан ҳол-аҳвол сўрашгани учун миннатдорчилик изҳор этиб турибди. Қаранг, инсон қадр-қимматининг нима эканини тушунгани учун ҳам шундай қилди. Ахир, буни ҳар ким билиши, тушуниши, шунга амал қилиши, бу билан ҳар бир инсоннинг одатдаги оддий

фазилати ҳисобланган ўз одамийлик бурчини адо этаётганини англаши керак-ку. Буни тушунмасдан, бунга амал қилмасдан туриб яшамоқнинг, мен ҳам инсонман демоқнинг маъноси бормикан? Одамийликнинг ана шу нозик, энг биринчи хислати маъносини тушунмай, бунга амал қилмай туриб, бугунги кунда, умуман ҳамма вақт ва ҳамма даврларда ҳам бирон-бир ишни ташкил этиб, юритиб, дўндириб бўлармикан?

Баъзан ҳаётингда ғалати, айтиш мумкинки, барчанинг ғашига тегиб бўлган яроқсиз иш услубини - одамларга дўқ-пўписа, кўпол муомала қилиш, уларни ҳақоратлаш, ходимларнинг шахсиятига, шаънига тегиш йўли билан иш юритишни ўзининг қуролига айлантириб олган айрим "раҳбар"ларни учратганимизда ҳафсаланг пир бўлиб, кўнглинг айниб кетади. Энг ёмони - улар ўзини билагон қилиб кўрсатишади. Бошқаларнинг фикри, маслаҳати, таклифи билан ҳисоблашишни ўзига эп кўришмайди, буни хоҳлашмайди. Оқибатда хато кетидан хатоларга йўл қўйилаверади. Ўша жамоада иш юришмайди, ташкилот ҳар жиҳатдан таназзулга учраб, чўкиб бораверади. Худди ғарқ бўла бошлаган кема эгалари - денгизчиларнинг ўзларини сувга отиб, дуч келган соҳил томон сузиб чиқишни кўзлашгани каби, издан чиқа борган ташкилотнинг ходимлари ҳам ҳар томонга тирқираб, тарқаб кетиши турган гап. Инсон тақдири билан ўйнашиш нималарга олиб келишини ана шу мисолдан ҳам кўриш мумкин...

Бу - ўша "билагон раҳбар"ларнинг аслида билимсизлигининг, маънавий жиҳатдан ўта қашшоқлигининг, дунёқараши торлигининг, саводсизлигининг, чаламуллалигининг белгиси, айнан шунинг ўзи эмасми? Ҳа, албатта, айнан шундай! Шунинг учун ҳам улар инсонни тушунишмайди, унинг қадр-қимматини билишмайди, инсон - ҳамма нарсадан улуғ, қудратли кучга эга бўлган сеҳрли ва айни пайтда ақлли мавжудот эканини унутиб қўйишади, буни хаёлларига-да келтиришмайди. Буни бир лаҳза ҳам унутиш, эсдан чиқариш мумкин эмас-ку, ахир!..

Александр Павлович Тойир акага ибратли бир нарсани айтиб берди. У даволанаётганида, кимдандир эшитиб қолишиб, чўлда кўп йиллар бирга ишлашган йигитлардан Муҳиддин Исомов, Раҳмон Боқиевлар уни бориб кўришибди. Тойир ака уларни яхши танийди. Иккаласи ҳам ўз касбининг устаси, моҳир ҳайдовчилардан. Улар билан бирга кўп марта чўл кезган, иш юзасидан Тошкентга, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига, ҳатто Туркменистон, Тожикистон республикаларининг Қарши чўлига туташ вилоят ва туманларига неча бор бориб-келган. Табиатан қувноқ, хушчақчақ бўлган бу йигитлар ҳар қандай топшириқни ўз вақтида, аниқ қилиб бажаришга одатлангани, ҳеч маҳал бировга панд беришмагани, доим тўғриси, ишчан бўлишгани учун ҳам ҳамманинг ҳурматини қозонишганини, чўлда ишлаб обрў топишганини биргина Тойир ака эмас, бошқалар ҳам яхши билишади.

Қаранг, уларнинг бир озгина эътибори, вақт топишиб, ўзларининг гўёки туғишган акасига, ҳақиқий дўстига айланиб қолган кишини беморлигида йўқлаб бориб, ундан бир оғизгина ҳол-аҳвол сўрашларининг ўзи бир инсоннинг бошини осмонга етказиб турибди. Ахир, бу - ҳар бир инсон учун оддий фазилатга айланиши керак бўлган одамийликнинг айнан ўзи бўлмай нима? Раҳмат шу қалби очиқ, дили пок йигитларга! Уларнинг ҳамма вақт бир-бирларини ҳурмат қилишлари, йўқлаб, қўллаб-қувватлаб туришлари, бир-бирларининг ташвишу дардларига, қувончу шодлик кунларига шерик бўлишлари ва қўлларидан келадиган ёрдамни, бир калима ширин сўзни, малҳамли гапни бир-бирларидан аямасликларининг ўзи биз инсонларнинг баъзи бирларимиз учун ибрат мактаби, одамийлик илми бўлиб хизмат қилиши мумкин эмасми, ахир?

Тойир ака уларга ўхшаш касб эгаларига кўп дуч келди. Бу кишиларнинг деярли бари оддий, соддадил, ҳалол-покиза бўлиш билан бирга, меҳнатсевардир. Улар бировни алдаш, ёлғон сўзлаш нималигини билишмайди. Мана, Тойир аканинг ўзи билан бир неча йилдан бери бирга ишлаб келаётган ҳайдовчи Уйғун

Эргашевни ҳам ана шундай касб эгалари сирасига киритиш мумкин. Ишчанлиги, тўғрисиўзлиги, одамийлиги учун ҳамма ҳурмат қилади.

Чўлда ишлаб меҳнатда камол топган бу каби ҳайдовчилар озмунчами? Ориф Салаев, Найим Аҳмедов, Зикир Мирзаев, Бахтиёр Тошпўлатов, Ёқуб Амиркулов, Лутфулла Амиров...

Шундай инсонларнинг бориға шукур. Бундай одамлар орасида яшамоқнинг ўзи бахт-ку.

Бир Ватанда туғилиб, вояға етиб, унинг бахт-саодати, иқболи, эртанги порлоқ куни, истиқболини деб меҳнат қилиб, курашиб, бир-биримизни тушуниб, ҳурматлаб, қўллаб-қувватлаб, бир-биримизнинг қадри-мизға етиб яшамоқни одатдаги оддий ҳолға, инсоний бурчға айлантирмоқ неға энди сизу биз учун мумкин бўлмасин?..

Нафақат мусулмон дунёсининг, аслида бутун инсониятнинг бешиги бўлмиш Маккаи мукаррамада истиқомат қилиб келаётган ва то ҳануз Ватанға қайтиш насиб этмай, оламдан ўтган отасининг васиятини адо этиш истагида ўзбекистонлик ватандошлари истиқболиға пешвоз чиқиб, уларни зиёрат қилишни савоб иш деб билган ва буни ўзининг одамийлик бурчи деб тушунган ўша дилгир хорижлик ватандошнинг нур ёғилиб турувчи камтарин ва мискин сиймосини кўз ўнгида қайта-қайта жонлантирган Тойир ҳожи Эргашев ана шулар тўғрисида ўйлаб, узоқ мушоҳада қилди; ўзининг бутун ҳаёти билан боғлиқ кечмиши ҳақидаги хотира дафтари саҳифаларини хаёлан бирма-бир варақлаб, инсон ҳаёти, тақдири, одамларнинг ўзаро муносабатлари, иззат-ҳурмат, қадр-қиммат каби оддий инсоний мезонлар хусусида мулоҳаза юритди.

Тойир Эргашев кексайиб, ёши бир ерга бориб турган чоғида яна бир инсоний бурчини адо этиш бахтиға муяссар бўлди. Муборак ҳаж сафарига отланиб, Маккаи мукаррамани ўз кўзи билан кўрди. Эҳтимол, айтиш мумкинки, одамзоднинг ҳали инсоният бўлиб шаклланмаган ўша олис илк даврида, қачонлардир бутун инсониятнинг отаси ҳисобланган Одам алайҳис—саломнинг ёлғиз қўли билан қад ростлаган ва

кейинчалик Нух алайҳис-салом давридаги афсонавий Тўфон туфайли шикаст еган, яна неча юз минг йиллардан сўнг Иброҳим алайҳис-салом ва у кишининг ўғли Исмоил алайҳис-салом томонидан қайта тикланган, орадан тагин кўп узоқ даврлар ўтиб, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳис-саломнинг муборак пойи қадами етган ва назари тушган муқаддас жой - Каъбани зиёрат қилиб, ҳожи бўлиб қайтди...

Мана, бугун Тойир Эргашев қишлоқдошлари, ёру биродарлари даврасида ҳожи бобо сиймосида ҳурмату иззат-икромда ўтириб, уларнинг илтифоти ва илтимоси билан муборак ҳаж сафари ҳақидаги таассуротларини, бошидан кечган ибратли ва сабоқ бўларли воқеаларни, инсон кадр-қиммати, фазилати, унинг ҳаётдаги ўрни хусусидаги ўйю-фикрларини, мулоҳазаю-мушоҳадаларини ҳикоя қилмоқда, ҳамма учун бирдек тааллуқли ҳаёт ва кураш тўғрисидаги одамийлик қиссасини айтиб бермоқда. Айни пайтда даврадошларининг ҳам ҳаётини, турмушини сўраб-суриштириб, ўз навбатида уларни ҳам тинглаб ва маъқуллаб, гоҳида кимгадир таскин бериб, босиқвазмин гурунглашиб ўтирибди...

Интилганга - толе ёр, дейдилар. Ҳа, Тойир ака бугун ўз ҳаётидан мамнун. У ўзининг ҳалол меҳнати туфайли ҳаётда кўп орзуларига эришди. Бунда албатта турмуш ўртоғи Меҳмон опа Муродованинг катта хизмати бор. Асли касби тиббиёт ҳамшираси бўлган Меҳмон опа қирқ тўрт йилдан бери Тойир аканинг оғир-енгил кунларига шериклик қилиб келмоқда. Улар етти фарзандни - тўрт қиз, уч ўғилни тарбиялаб, эл-юртнинг муносиб кишилари қилиб вояга етказишди. Уларнинг кўпчилиги оталари касбини эгаллашди. Бош фарзанди Инобат, иккинчи қизи Норгул, ўғли Анвар, энг кичик фарзанди Музаффар муҳандис-гидротехник, қурувчи-муҳандис сифатида вилоят ташкилотларида меҳнат қилишмоқда. Қизлари Дилфуза тиш дўхтири, Санобар эса ҳисобчи, ўғли Илғор спорт устаси сифатида иш жойларида ҳурмат-эътибор қозонишган.

Ўн олти набиранинг севимли бобоси бўлган бу табаррук инсон бугун шу тўғрида ўйларкан, дўсту қадрдонлари даврасида ўтириб, дастурхондаги нонга узоқ боқиб туради. Бу - ҳалол меҳнат нони. У нақадар таъмли. Фарзандлари шу меҳнат нонининг қадрини яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар бугун, шу топда оталари иззатини жойига қўйишиб, елиб-югуриб хизмат қилишмоқда, меҳмонларга қарашмоқда...

Бу ерда ўтирганлар Чўли бобонинг издошлари, авлодлари...

Чўли бобо... Бу ажойиб одамнинг орзу-ўйлари бугун ижобат бўлди, рўёбга чиқди. Аслида ўзи - биринчи чўлқувар эди. Ҳали кўриққа Амударё суви етиб келмасидан анча олдинроқ шу бепоён даштга туташиб кетган ерга одамларни бошлаб бориб, чўлни ўзлаштиришга, деҳқончилик қилишга киришганлардан биринчиси эди. Бир лаҳза ҳам меҳнатсиз туролмайдиган бу тиниб-тинчимас инсоннинг янги ерларни очишга бўлган қалбдаги иштиёқи жўш уриб, юрагидаги чўғ кундан-кун аланга олиб борарди. Шунинг учун ёшларни ўқишга юборишни ташкил қилди, уларга гамхўрлик кўрсатди, ёрдам бериб турди. Ахир Чўли бобо келажакда улардан ажойиб мутахассислар етишиб чиқишини ўйларди. Шундай бўлди... Ўзи эса, қишлоқдошлари билан кўриқдан жой очиб, янги ўзлаштирилган ерларда дон, пахта ўстирди, боғлар барпо қилди. Меҳнат қаҳрамони бўлди. Одамлар чўлга кўчиб чиқишиб, ватан қуришди. Тойир ака туғилиб ўсган қишлоқ номининг Дашт деб аталиши ҳам бежизга эмас, албатта.

Бу меҳнатнинг нақадар қийин кечганини бугунги ёшлар билишармикан? Улар боболарию, оталарининг мислсиз меҳнати ва жасоратини ёд этишармикан? Шоир айтганидек, бу меҳнатга ишонишармикан?

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири - юртдошимиз Абдулла Орипов бундан анча йил бурун "Чўли бобонинг набираларига дегани" шеърини бежизга ёзмаганлигини бугун кўпчилик тушуниб турибди. Мана, ўша мўъжазгина шеърдан сатрлар:

*Ойлар, йиллар ўтиб, Ватан топса сайқал,
Боғларда очилса алвон лолалар,
Шу жойлар чўл эди, десак, бир маҳал,
Ишонармикансиз, болалар?*

*Мовий кўллар узра сузса чағалай,
Адирларда кезса оққув галалар,
Шу жойда ҳаёт йўқ десак, ҳар қалай,
Ишонармикансиз, болалар?*

*Бу жойларда ўтган ҳасратли аждод,
Томчи сувга зору кўз ёш жолалар,
Уларнинг ҳасратин шоир этса ёд,
Ишонармикансиз, болалар?*

*Мен-ку ишонаман, саҳролар гуллаб,
Сизнинг қий-чув билан тўлгай далалар.
Ўшанда фидойи оталарни эслаб,
Таъзим қилармисиз, болалар?*

Ростдан-да таъзим қилармисиз?..

Ана, сиз ўша фидойилик қаршисида турибсиз. Фидойилик дегани нима? Унинг хотира дафтарини бир варақлаб чиқинг-а, бунинг асл маъносини ўшанда тушуниб оласиз. Оталар матонати ва жасоратини ёд этибгина қолмай, уни давом эттириш - ёш авлод учун муқаддас бурчга, шарафли ишга айланмоғи кераклигини ҳам англаб етасиз.

МУАЛЛИФ ДА Н

Ушбу хотира қиссанинг юзага келиши ташаббускори Собир Боймировга, унинг чоп этилиши учун ҳомийлик қилган ташкилотлар - „Зовурқурилиш“, „Мелиоқурилиш“ очик ҳиссдорлик жамиятлари (бошқарув раислари Ҳаким Худойназаров, Тойир Турсунов)га, „Курувчи“ жамоа корхонаси (раҳбари Бўри Файзиев) га, шу корхонанинг 36- мелиоратив таъмир-қурилиш бошқармаси (бошлиғи Иброҳим Қурбонов)га, Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари бошқармаси (бошлиғи Ботир Рахимов)га чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

МУНДАРИЖА

Одамийлик қиссаси	3
Муқаддима	5
Ривоят	6
Ҳикоят	7
Сарҳисоб	9
Болаликнинг олис йўли	10
Туртки	14
Орзули дунё сари	19
Кутилмаган тақлиф	22
Ҳақиқатга айланган хаёл	24
Қарши чўлида	27
Ҳаловатсиз кечган кунлар	34
Ҳаяжонли лаҳзалар	40
Галдаги вазифалар	44
Фидойилар	45
Устозлар ва шогирдлар	53
Одамийлик ҳақида сўз	57
Ҳаммага тегишли гап	57
Инсонни кашф этиш	61
Узтоз отангдек улуғ	62
Мактаб яратган муҳандис	64
Яхшиларга ёндашсанг	64
Мураббий	66
Ўғит	67
Дил эҳтироми	70
“Хотира дафтари”нинг давоми	76
Муаллифдан	94

Босмахонага 24.04.2004 йилда берилди. Босишга 1.05.2004 йилда рухсат этилди. Бичими 84×108₃₂. Шартли босма табоғи 6,04. Шартли бўёқ-оттиск 6,03. Нашр табоғи 6,00. 220-2003-шартнома. №: 246—буюртма 1000 нусхада. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, Қарши шаҳри, 730018, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент 700194, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

Бахтиёр АШУРОВ

ПОКИЗА ИЗ

Хотира - қисса

Ўзбек тилида

Ҳар бир инсон умри эзгулик ва савоб ёғдуси билан нурафшон бўлса, бу келгуси авлодлар учун ибрат ва сабоқ мактаби бўлиб қолади. Истиъдодли журналист Бахтиёр Ашуровнинг ушбу „Покиза из“ китобида ана шундай умр боғини яхшилик ва савоб гуллари билан безаган инсон ҳаёти ҳақида фикр юритилади.

Муҳаррир: Темирпўлат ТИЛЛАЕВ

Техник муҳаррир: Самандар Мусаев.

Мусахҳиҳ: М.Тўлаганов

ИБ № 0753

Б $\frac{470262020-231}{376 (04) 2004}$ 144-2004

© Б. Ашуров- 2004

ISBN 5-7323-0505-қ

Қайдлар учун
